МЎЪЖИЗАКОР ТЕРИМ МАШИНАЛАРИНИНГ ИЖОДКОРЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 81 (3563). | Якшанба, 23 апрель 1967 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

КРЕМЛДАГИ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

МОСКВА, 22 апрель. (ТАСС). Бугун Кремлдаги съездлар саройида В. И. Ленин туғилган кунининг 97 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлди.

А. П. Кириленко, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорный, М. А. Суслов, П. Н. Демичев Д. Ф. Устинов ўртоқлар президиумга чиққанларида мажлис қатнашчилари уларни самимий кутиб олдилар.

Тантанали мажлисни КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари В. Я. Павлов очди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко «Ленинизм байроғи остида Октябрь ишининг янгидан-янги ғалабалари сари» деган мавзуда доклад қилди.

ТОШКЕНТДА ЛЕНИН КУНИГА БАҒИШЛАНГАН КАТТА ЙИҒИЛИШ

Совет ҳокимияти ўрнатилгандан буён ўтган қаҳрамона эллик йил мобайнида Ўзбекистон ажойиб зафарли йўлни босиб ўтди. Бу йўлда қилинган ишларнинг ҳар бири улуғ Ленин идеяларининг сўнмас нури билан ёритилган.

Ўзбекистон меҳнаткашлари Ильич васиятларига садоқатини севикли доҳий туғилган кунининг 97 йиллиги кунида янада зўр куч билан намойиш қилдилар. 22 апрелда Тошкентдаги Навоий номли Ўзбекистон ССР Катта академик театрида бўлган тантанали йиғилиш ана шу шонли санага бағишланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. Г. Ляшенко, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидатлар М. Абдураззоқов, С. Р. Расулов, М. Т. Турсунов, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат ҳавфсизлиги комитетининг Раиси В. Е. Семичастний, партия, совет жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, революцион ҳаракат ветеранлари йиғилиш президиумидан жой оладилар.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов очади.

КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланади.

Доклад қилмоқ учун Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Р. Қурбоновга сўз берилади.

Докладчи Ленин идеяларининг улуғворлиги тўғрисида, Ильичнинг инсониятга фидокорона хизмат қилишнинг илҳомбахш намунаси, халқ манфаатлари учун, кишиларнинг бахт-саодати учун жонбозлик билан кураш намунаси бўлган фаолияти тўғрисида гапиради. КПСС XXIII съезднинг қарорлари ленинизмнинг жонли тимсолидир. Съезд қарорлари замонамизнинг сиёсий ҳаётида асосий, энг муҳим воқеа бўлиб қолди. Совет халқи — қаҳрамон халқ. Ленин йўлидан бориб, коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтириш, СССРда коммунистик жамият қуришдан иборат буюк вазифани дадил ҳал этмоқда.

Бизнинг партиямиз асрлар бўйи бутун инсониятни тўлқинлантириб келган ва капитализм дунёсида эса ҳозир ҳам ўткир масала бўлиб турган энг мураккаб проблемани — миллатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар проблемасини В. И. Ленин раҳбарлигида ҳал этди. Партия ленинча миллий сиёсатни, халқлар дўстлиги ва қардошлиги сиёсатини изчиллик билан амалга ошира бориб, барча совет кишиларининг ўзаро тўла ишонч ва қардошларча ҳамкорлигини қарор топтиришга муваффақ бўлди.

Совет кишилари барча миллат меҳнаткашларининг қардошлик байроғини, халқлар дўслиги байроғини баланд кўтариб бормоқдалар. Мамлакатимиз халқларининг бузилмас дўстлиги Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳри бошига тушган табиий офат кунларида жуда яққол намоён бўлди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари бошқа иттифоқдош республикалардаги дўстларининг ёрдамига таянib, қудратли социалистик экономикани вужудга келтирдилар, миллий социалистик маданиятнинг мислсиз юксалишини, халқ фаровонлигининг ўсишини таъминладилар. Докладчи шу тўғрида гапирганида Совет ҳокимияти йилларида республиканинг ҳаётида рўй берган қувончли ўзгаришларни тасвирловчи ёркин мисоллар келтиради. Ўзбекистон мамлакатимизнинг йирик индустриал районига айланиб, энди унда саноат ишлаб чиқаришининг юздан ортиқ тармоғига эгадир. Республикамиз пахтачилик учун керакли машиналарни ва пахта тозалаш машина-ускуналарини ишлаб чиқариш соҳасида мамлакатимизда биринчи ўринни ип газлама ишлаб чиқариш соҳасида иккинчи ўринни, минерал ўғитлар, шойи газлама ва ўсимлик мойи ишлаб чиқариш жиҳатидан учинчи ўринни, электр энергияси, цемент, шифер ишлаб чиқариш жиҳатидан тўртинчи ўринни эгаллади. Янги пахта териш машинасига берилган юксак баҳо индустриямизнинг кучи ғоят ўсганлигини ёркин исбот этувчи далилдир. Бу машинани яратган кишилар Ильич туғилган кун арафасида Ленин мукофотини олишга сазовор бўлдилар.

Ленинизм, деб таъкидлайди докладчи, — революцион фикр, революцион ҳаракат, революцион мардликнинг абадий ҳаётбахш чашмасидир. Жаҳонда жамиятни социал қайта қуриш учун курашаётган кишиларнинг янгидан-янги авлодлари Ленин идеяларини билиб олишга интилмоқдалар. Ленининг ном планетамиздаги барча халқларга бениҳоя азиздир. Бу ном Ер юзида янги ҳаёт рамзи бўлиб қолди.

Мамлакатимизнинг меҳнаткашлари бу йил Владимир Ильич Ленин туғилган кунни сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати гоят ўсган бир вазиятда, беш йиллик иккинчи йили планларини муддатидан олдин бажариш учун, шонли юбилей—Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ социалистик мусобақаси авж олиб кетган пайтда иншоатларни ишга туширмоқдалар. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг меҳнат зафарлари тўғрисида кун сайин хушхабарлар келиб турибди.

Республика саноати биринчи квартал планини муддатидан олдин бажарди. Зилзила натижасида оғир шароит рўй берганига қарамай, Тошкент саноатининг меҳнаткашлари ҳам топшириқларни муваффақиятли бажармоқдалар. Қишлоқ хўжалик ходимлари янги марраларга эришмоқдалар. Улар юбилей йилида камида 4 миллион тонна «оқ олтин» етиштириб давлатга топшириш шараф билан бажаришга қарор бердилар.

Ўртоқ Қурбонов докладини тамомлар экан, қуйидагиларни айтади:

Совет халқи истиқболга ишонч билан қарайди. Совет халқининг бу оптимизми мамлакатимизда бўлган жуда катта имкониятларни реал ҳисобга олишга, партия ва халқнинг битмас-туганмас ижодий кучларига таянади. Улуғ Ленин тузган, марксизм-ленинизм революцион таълимоти билан қуролланган, омма билан маҳкам боғланган ва янги жамият қурилишига раҳбарлик қилишда жуда катта тажриба тўплаган партия бизни олға бошлаб бораётганлиги мамлакатимиз олдида турган коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш гаровидир. Совет халқи Ленин партиясини коммунизм қуриш учун зафарли курашда ўзининг синалган ташкилотчиси ва сиёсий йўлбошчиси деб билади.

Яшасин улуғ совет халқи ва унинг жанговар авангарди—Ленин тузган шонли Коммунистик партия!

Яшасин абадий барҳаёт, ҳамиша голиб революцион таълимот, тинчлик, демократия, миллий озодлик, социализм ва коммунизм учун курашдаги қудратли қурол-марксизм-Ленинизм!

Залдагилар ана шу табрик хитобларини гулдурос, давомли қарсаклар билан қутиб оладилар.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари учун катта концерт қўйиб берилди. Бу концертда Ўзбекистон санъат усталари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТИМИЗДА ЧИГИТ ЭКИБ БЎЛИНДИ

КПСС Марказий Комитетининг 1 Май чақириқларидан илҳомланган ва Улуғ Октябрнинг эллик йиллигини муносиб совғалар билан нишонлаш учун курашаётган областимиз меҳнаткашлари чигит экишни тугалладилар. Кўпгина майдонларга чигит квадрат-уялаб экилди.

Пахтакорлар чигитни бехато, текис ва тезда ундириб олиш учун барча агротехника тадбирларини амалга оширмоқдалар.

ЛЕНИН МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ



П. Ф. ГЛАЗАТОВ.



А. Н. ПРИХОДЬКО.



В. Д. ТЮТЬКОВ.



Т. ОХУНОВА.



М. Н. МАРКОВ.



Ж. КЎЧИЕВ.

ЧЕКСИЗ МИННАТДОРМАН

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1967 йил учун фан ва техника соҳасида Ленин мукофотлари бериш тўғрисидаги қарорига кўра пахтачилик машиналари бўйича давлат махсус конструкторлик бюросининг ходимлари қатори менга ҳам вертикал шпинделли икки қаторли пахта териш машинаси учун, машинанинг конструкциясини тузганликлари, уларни кўплаб ишлаб чиқариб қишлоқ хўжалигига жорий қилганликлари учун Ленин мукофотлари берилганлиги мени ниҳоятда хурсанд қилиб тўлқинлантириб юборди.

Бизнинг меҳнатга берилган бу юксак баҳо деҳқонлар ва механизаторлар ишига берилган юксак баҳодир. Яқингинада ҳам пахтачиликда энг сермеҳнат — терим ишларининг кўлда бажарилиши колхозчи деҳқонларни, айниқса аёлларимизни кеч кузгача, баъзан эса қишлик-қировлик кунларгача пахта теришга мажбур этар эди. Партия ва ҳукуматимиз ана шу сермеҳнат ишни енгиллаштириш, теримни механизациялаштиришни ва тезлаштириш учун конструкторлар ва олимлар олдига катта вазифа қўйди. Улар бу вазифани биз механизаторлар билан биргаликда, бамаслаҳат амалга ошириш учун инодий меҳнат қилдилар ва бу соҳада мўлжалланган мақсадга эришдилар. Натижада вертикал шпинделли икки қаторли пахта териш машиналари синовдан муваффақиятли ўтказилди ва кўплаб ишлаб чиқаришга жорий этилди. Мана шу машина биз механизаторларни ниҳоятда мамнун этди. Мен шу машина билан ўтган йили 185 тонна пахта тердим.

Мен бошчилик қилаётган участкада 87 гектар ер бор. Биз шу майдонларда етиштирилган ҳосилнинг 95 процентини машиналарда териб олишга қарор қилган эдик. Утган йили бу сўзимизнинг устидан чиқдик. Бригадамиз аъзолари билан маслаҳатлашиб бир фикрга келдик. Бу йил, юбилей йилида ҳосилимизнинг қарийб ҳаммасини машина билан териб олишга мослаб иш олиб борамоқдамиз. Шунинг учун барча майдонга чигитни 60х50 схемасида аниқ уруғ ташлаб экдик. Уни бир текис, ернинг намига ундириб оламиз. Эрта кўкламдан бошлаб ғўзамизни ва далаларимизни машина теримига мослаб иш олиб борамиз.

Республикамизда ва Урта Осиё, Қозоғистон ва Озарбайжон республикаларида Тошкентда ишланаётган терим машиналарининг кенг қўлланилаётганлиги бизни ниҳоятда хурсанд этади. Мен Тожикистон Туркманистонда, Киргизистон, Қозоғистон ва Озарбайжон республикаларидаги ғиз-жувонлардан хатлар олиб тураман. Улар бу хатларда «Ташсельмаш» заводи ишлаб чиқараётган вертикал шпинделли икки қаторли терим машинаси жуда яхши ишлаётганлигини ёзадилар ва унинг ижодчиларига раҳматлар айтадилар.

Мен оддий ўзбек аёли энг олий мукофот — Ленин мукофоти лауреати бўлиш шарафига муяссар бўлган эканман бунинг учун жонажон Коммунистик партиямиздан, севикли Совет ҳукуматимиздан чексиз миннатдорман. Мен ўз миннатдорчилигимни фидокорона меҳнатим билан баён этаман.

Партия ва ҳукуматимизга яна бир марта раҳмат!

Турсуной ОХУНОВА,
Янгийўлдаги Киров номли колхознинг комплекс механизациялашган бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати, Ленин мукофотининг лауреати.

ОЛИЙ МЎКОФОТ МУБОРАК, ҲАМКАСБЛАР

Кеча кўплар қатори бизнинг қувончимиз ҳам чексиз бўлди. Биз икки томонлама шодландик, руҳландик. Қувончимизнинг биринчи боиси — улуғ доҳимиз Владимир Ильич Ленин туғилган кунга 97 йил тўлгани тантаналари бўлса, иккинчи боиси — кўплар қатори бизнинг ҳамюртларимиз бўлмиш конструкторлар ва донгдор механизаторларнинг энг олий мукофот — Ленин мукофоти билан тақдирланган эди.

Биз эрталаб барвақт радиодан ана шу хушхабарни эшитдигу қалбларимизни зўр севинч туйғулари қамраб олди. чеҳраларимизга табассум югурди. Конструкторлар Павел Федорович Глазатов, Аполинари Николаевич Приходько, Владимир Дмитриевич Тютьков, Михаил Никитович Марков республикамизнинг таниқли механизаторлари Жавод Кўчиев, Турсуной Охунова ўртоқларнинг халқимиз олдидаги катта хизматлари ҳақиқатан ҳам ана шу олий мукофотга лойиқдир.

Республикамиз пахтакорлари бугунги кунга келиб асрий орзуларига эришдилар. Энг сермеҳнат иш ҳисобланган пахта терими асосан машиналар зиммасига юкланди. Ишбилармон олим ва конструкторларимиз дунёда энг яхши машиналарни бунёд этиб, пахтакорларга тақдим этганлар. Бу машиналар, айниқса кейинги йилларда яратилган янги-янги маркалардаги «Зангори кема»лар деҳқонларнинг мушкулини осон, узоғини яқин қилмоқда. Пахта тайёрлаш йиллик планлари 80—100 кунда, ҳатто ундан ҳам кечроқ бажарилар эди. Эндиликда эса айрим звено, участка ёки хўжаликкина эмас, балки районлар, областлар, ҳатто республикамиз йиллик планини илгаригидан иккиуч баравар қисқа муддат ичида бажармоқдалар. Бу — пахта териш машиналарининг шарофати!

Ленин мукофотининг лауреати бўлган конструктор ва механизаторларнинг катта куч ва идрок сарфлаб яратган ажойиб машиналарини биз ва биз сингари механизаторлар зўр мамнуният билан бошқариб, йил сайин янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритаяпмиз. Юксак кўрсаткичларга эришяпмиз.

Олий мукофот муборак бўлсин, азиз ҳамкасблар!

Тошкент области механизаторлари номидан:

А. УСМОНОВ — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бекободдаги Ленин номли колхоздан. Ридван Чиқи — Оққўрғондаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозидан. М. МУНАВВАРОВА — Ўрта Чирчиқдаги Терешкова номли колхоздан. М. ГАЛИН — Бўкадаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан. В. ПАК — Юқори Чирчиқдаги «Ўзбекистон» колхозидан.

ИЛГОРЛАРГА — ҚИЗИЛ БАЙРОҚ

Область партия комитети, ижроия комитети ва касаба союзлари Совети Тошкент области қурилиш-монтаж трестлари ва ихтисослашган бошқармалари коллективларининг 1967 йил 1 квартали учун социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, ижроия комитети ва касаба союзлар советининг кўчма Қизил байроғи ва дипломи Ўзбекистон ССР Қурилиш Министрлигининг 6-қурилиш трести коллективига (бошқарувчиси Б. А. Зайцев, партия ташкилотининг секретари Н. А. Дубкова, бирлашган касаба союз комитетининг раиси Н. А. Мазурин ўртоқлар) берилади. Бу трест социалистик мусобақада биринчи ўринни эгаллаб, шу йилнинг биринчи кварталида қурилиш-монтаж ишлари планини бош пудрат бўйича 100,1 процент, ўз кучлари билан амалга оширилган ишлар бўйича 102,7 процент, уй-жой майдонини фойдаланишга топшириш бўйича 200,1 процент ва ҳар бир қурувчига топширилган планни муваффақиятли бажаришга муваффақ бўлдилар.

Трест илғорларини рағбатлантириш учун 1000 сўм миқдорида пул мукофотн ажратилди.

ТОШКЕНТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ТАШКИЛ ТОПГАН КУНДА

Тошкент консерваторияси ўттиз йилга тўлди. Рус музикачилари В. Успенский, Е. Романовская, И. Павельская, А. Власов, Н. Коломийцев ва Ўрта Осиёда миллий музика кадрларини тайёрловчи ана шу биринчи консерваторияни вужудга келтиришда актив қатнашган бошқа кўп кишиларнинг номлари консерваториянинг тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилган.

Тошкент консерваторияси 30 йил ичида кишиларга музика қувончини бахш этган 1275 мутахассисни тайёрлаб чиқарди. Улар Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Киргизистон ва Қорақалпоғистондаги бадиий коллективларда ишлаб туркодилар.

Д. Зокиров, Д. Соатқулов, А. Берлин, Б. Гиенко, Ф.Назаров, Х. Исламов, Р. Ҳамроев, Р. Вилданов ва Тошкент консерваторияси ижодий ишга йўлланма берган бошқа композиторларнинг номи республикамиздан ташқарида ҳам маълум.


Ректор Ҳ. Раҳимов Тошкент давлат консерваториясининг 30 йиллигига бағишланган тантанали кечада шу тўғрида сўзлаб берди.

Юбилярларни шу куни уларнинг санъатдаги сафдошлари, музика ишқивозлари, мамлакатнинг турли шаҳарларидаги ҳамкасблари самимий қутладилр.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ранси Е. С. Насриддинова Ўзбекистон ССР халқ артисти, республикада хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби деган номларни олишга сазовор бўлган консерватория профессорлари ва ўқитувчиларига шу унвонларни бериш тўғрисидаги ёрлиқларни топширди. Е. С. Насриддинова консерватория ўқитувчиларининг катта бир группасига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқларини ҳам топширди.

Е. С. Насриддинова Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан консерваториянинг бутун коллективини шонли байрам билан самимий қутлади.

Тантанали кечада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов қатнашди. (ЎзТАГ).



Ленин мукофоти лауреатлари яратган «Зангори кема»лар пахтакорларимизнинг мададкори бўлмоқда.

ЛЕНИНИЗМ БАЙРОҒИ ОСТИДА—ОКТЯБРЬ ИШИНИНГ ЯНГИДАН-ЯНГИ ҒАЛАБАЛАРИ САРИ

(В. И. Ленин туғилган куннинг 97 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда ўртоқ А. П. КИРИЛЕНКО доклади)

Ўртоқлар!

XX асрдаги буюк революцион ўзгаришлар билан боғланган шонли номлар орасида Владимир Ильич Ленин номи ҳар бир меҳнаткашнинг қалбига энг азиз ва энг яқин номдир. Партиямиз ва Совет давлатимизнинг асосчиси, барча мамлакатлар меҳнаткашларининг йўлбошчиси ва устози Лениннинг ёрқин образи бизнинг ҳозирги ва келажак барча авлодларимиз хотирасида абадий яшамоқда ва яшажак.

Бугун совет кишилари, жаҳондаги барча прогрессив кучлар Ленин туғилган кунни нишонламоқдалар. Бу йил Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги муносабати билан ана шу сана алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозир бу 50 йилликка совет мамлакатининг халқлари, чет эллардаги дўстларимиз ниҳоят даражада руҳланиб тайёргарлик кўрмоқдалар.

Жаҳон тарихининг янги даврини, социализм қуришни, совет элидаги улкан ишларнинг ҳаммасини бошлаб берган Октябрнинг ғалабаси халқимизнинг онгида Ленин номи ва таълимоти билан, Ленин партиясининг қаҳрамонона фаолияти билан чамбарчас боғланган. Совет кишилари кураш ва бунёдкорлик меҳнатининг ярим асрлик йўлини якунлар эканлар, ўзларининг чексиз муҳаббатларини Ленинга қаратадилар ва унинг буюк ҳаётбахш шижоати учун ташаккур билдирадилар.

Владимир Ильич Ленин ҳозирги замоннинг энг илғор ва революцион синфи — ишчилар синфида бўлган энг яхши ва олижаноб хислатларнинг ҳаммасини ўзида мужассамлаштирди. Қудратли ақл-идрок, илмий башорат истеъдоди, халқ оммасининг ижодий кучларига кизғин ишонч, дадиллик ва қатъият, революцион оптимизм, ўзининг бутун кучини меҳнаткашларнинг манфаатлари учун курашга сарфлашга ҳамиша тайёр бўлиб туриш — Лениннинг мана шу ажойиб хислатлари Коммунистлар партиясига сингиб кетди ва уни енгилмас партияга айлантирди. Маркс ва Энгельс таълимотини ижодий ривожлантириш, марксизмни социал қайта қуришларнинг реал практикасига татбиқ қилишдан иборат тарихий хизматни Ленин, у яратган ва чиниқтирган Коммунистик партия бажарди. Марксизм «фақат ўтмишни изоҳ қилиш маъносидагина эмас, балки келажакни ҳам қўрқмасдан олддан кўриш ва уни амалга ошириш йўлида дадил амалий фаолият кўрсатиш маъносида ҳам» Ленин учун қимматли эди. (Асарлар, 26-том, 63-64- бетлар).

Ленин идеялари халқимиз ҳаётининг ҳар бир кунини, буюк мақсад — коммунизм йўлида халқимиз қўяётган ҳар бир қадамни ёритиб турибди. Партиямиз ва унинг Марказий Комитети ўз ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилашда, хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал қилишнинг энг самарали йўлларини мўлжаллашда ҳамиша Ленин васиятларига амал қилиб келмоқда. Социализм мамлакатларидаги янги жамият бунёдкорлари, кардош коммунистик ва ишчи партиялар ўзларини тўлқинлантириб турган саволларнинг жавобини Лениндан қидирмоқдалар ва топмоқдалар. Социал тараққиёт, миллий мустақиллик ва демократия учун, мустаҳкам тинчлик учун, империализм ва реакцияга қарши курашувчилар Ленин идеяларидан руҳланмоқдалар.

Ленинизм — мамлакатимиздаги танҳо ҳукмрон идеологиядир, инсоният тараққиётининг чўққиларига чиқишда бизнинг байроғимиздир. Биз, совет коммунистлари, совет кишилари улуғ Ленин ишининг давомчилари бўлганлигимиз билан фахрланамиз.

СОЦИАЛИЗМ—ЛЕНИНИЗМНИНГ ЖОНЛИ МУЖАССАМИ

Ўртоқлар! Партиямиз билан халқимизнинг Октябрдан сўнг қилиб келган 50 йиллик қаҳрамонона меҳнати ва олиб борган кураши Лениннинг социалистик революция тўғрисидаги, социализм ва коммунизм қуриш тўғрисидаги таълимотини амалга оширишга бағишланди. Шу вақт ичида мамлакатимизда қилинган революцион ўзгаришларнинг миқёслари ва теранлиги, инсоният тақдирига бу ўзгаришлар ўтказган жуда катта таъсир ленинизмнинг тарихий ҳақлигини яққол исботлаб берди.

Ленин бошчилигидаги большевиклар партияси мамлакат тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига олган ҳал қилувчи пайтдан бошлаб, мамлакатимиздаги ижтимоий турмушнинг ҳамма томонлари тубдан ўзгартирила берди. Ижтимоий социалистик мулк, меҳнат аҳлларининг ўртоқларча ҳамкорлиги ва бир-бирига ёрдамлашуви қатъий қарор топди. Миллий зулм ва адоват тугатилди, эркин ва тенг ҳуқуқли халқларнинг бузилмас қардошлик иттифоқи вужудга келди. Совет тузуми одам-одамни эксплуатация қилишини бутунлай йўқотди. Жамиятнинг ҳамма аъзолари социалистик ишлаб чиқариш билан боғланган бўлиб, ижтимоий фойдали меҳнат тирикчилик воситасининг бирдан-бир манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Совет кишисига кенг гражданлик ҳуқуқлари ва демократик эркинликлар гарантияланган.

В. И. Ленин қайта-қайта уқтириб айтган эдики, социализм эркин ва онгли меҳнаткашлар жамиятидир, у демократиянинг янги олий типини амалга оширади. Социализм меҳнат аҳлини юксак даражага кўтаради, уни ижтимоий бойликнинг онгли бунёдкори ва хўжайини қилиб қўяди, жамиятни қудратли суратда ривожлантирадиган янги кучларни вужудга келтиради. Совет ҳокимиятининг дастлабки ойларидаёқ, биз капиталистик тартиблар сиқувидан эндигина қутула бошлаган вақтларда Ленин бундай деган эди: «Биз меҳнаткашлар оммаси орасида... истеъдодли кучлар жуда кўплигини, бундай кучлар социалистик асосда қурилган жамиятда яйраб-яшнаб кетишини ҳозирги вақтда ҳатто аниқ тасаввур ҳам қила олмаймиз». (Асарлар, 27-том, 209-бет).

Совет Иттифоқи социалистик тузум ижодий имкониятларининг кучини ва битмас-туганмаслигини жуда катта тарихий тажрибада намойиш қилиб кўрсатди. Социализм ўзи ижтимоий турмушнинг энг прогрессив ташкилоти эканлигини намоён қилди, мамлакатимиздаги социал-иқтисодий ва маданий ривожланиш суръатларини мисли кўрилмаган даражада тезлаштириб юборди ва айниқса, энг муҳими, тараққиёт натижаларини бутун жамият манфаатларига хизмат қилдирди.

Партия билан совет халқининг Ленин таълимотини амалга ошириш йўлида олиб борган кураши ва қилган меҳнатининг асосий якуни шу бўлдики, СССРда социализм тўла ва узил-кесил ғалаба қозонди ва коммунизм қуришга ўтилди

Ўртоқлар! Агар бизга эски, буржуа-помешчиклар тузумидан қандай мерос қолганлигини эсласак совет халқи эришган жамики муваффақиятларнинг улуғлиги айниқса яққол бўлиб қолади. Россия, деган эди Ленин, «ҳозирги замон ишлаб чиқариш қуроллари билан Англияга қараганда тўрт марта ёмонроқ, Германияга қараганда беш марта ёмонроқ, Америкага қараганда ўн марта ёмонроқ таъминланган». (Асарлар, 19-том, 297-бет). Лекин мамлакат қўлида бўлган ишлаб чиқарувчи кучлар ҳам биринчи жаҳон уруши, сўнгра эса империалистлар интервенцияси ва эксплуататор синфлар бошлаб берган гражданлар уруши сабабли изидан чиқиб қолган эди. Мамлакат хўжалиги вайрон бўлиб, очлик азобини тортмоқда эди. Ўша вақтларда фақат душманларгина эмас, бошқа кўп кишилар ҳам Лениннинг Россияни электр ва йирик саноат марказига айлантирамиз, деган дадил фикрини қуруқ хом хаёл деб ҳисоблаган эдилар.

Лекин капитализм шароитидаги иқтисодий ривожланиш нуқтаи назаридан фантастика бўлиб кўринган нарса социалистик тузум негизида бемалол рўёбга чиқарилган реал нарсага айланди. Октябрдан кейинги эллик йилнинг қарийб йигирма йили империализм бизга қарши бошлаган уруш ва кейин халқ хўжалигини қайта тиклаш билан ўтган бўлса ҳам, Совет Иттифоқи ҳозирги замоннинг қудратли индустриал гиганти бўлиб қолди. Саноат ишлаб чиқаришимиз шу давр ичида 66 баравар ошди. Пўлат эритиш, нефть қазиб чиқариш, машиналар ва саноат маҳсулотининг бошқа турларини чиқариш таққослаб бўлмас даражада кўпайди. Лениннинг мамлакат электр станцияларнинг қалин тўри билан қоплансин, деган орзуси рўёбга чиқмоқда. Электр энергия ишлаб чиқариш 1913 йилдагига нисбатан 267 баравар кўпайди.

Шу нарса диққатга сазоворки, 1928 йилдан бери, яъни биринчи беш йиллик бошланган пайтдан, то 1966 йилга қадар ўтган давр ичида саноат ишлаб чиқаришини ўстиришнинг йиллик ўртача суръати 11 процентдан ошиқ бўлди, ваҳолонки, АҚШда бу ўсиш суръати шу давр ичида тўрт процент, Ғарбдаги бошқа мамлакатларнинг кўпчилигида эса бундан ҳам камроқ бўлди. Кўриб турибсизки, саноатни узоқ давр давомида ўстириш суръатлари жиҳатидан ҳеч бир капиталистик давлат Совет Иттифоқи билан тенглаша олмайди

Индустрия зўр куч билан ривожлантирилганлиги натижасида мамлакатимизнинг жаҳон экономикасидаги роли ва салмоғи кескин кўпайди. Маълумки, чор Россияси жаҳон саноат маҳсулотининг фақат йигирма бешдан бир қисминигина ишлаб чиқарар эди. Ҳозирги вақтда эса жаҳон саноат ишлаб чиқаришнинг қарийб бешдан бир қисми Совет Иттифоқи зиммасига тўғри келмоқда.

Совет экономикасида жуда катта силжишлар бўлганлигини эришилган миқёсларнинг ўзигина кўрсатиб тургани йўқ. Ҳозир мамлакатимиз ривожланган, техника жиҳатидан илғор саноат структурасига эга. Совет корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жаҳондаги деярли ҳамма мамлакатларга чиқариб сотилмоқда, жаҳон бозорида тобора кўпроқ талаб қилинадиган маҳсулот бўлиб қолмоқда.

Ишлаб чиқариш, фан ва техника соҳасида Совет Иттифоқининг тараққиёти шу қадар яққол ва салобатли бўлиб қолдики, ҳатто капитализмнинг энг жонкуяр ҳимоячилари ҳам бизнинг муваффақиятларимиз тўғрисида гапиришга мажбур бўлмоқдалар. Советлар мамлакати жаҳон фан-техника тараққиётининг кўпгина соҳаларида етакчи ўрин олиб турган ҳозирги пайтда бизнинг муваффақиятларимиз тўғрисида индамасликнинг иложи борми. Совет олимлари математика, ядро физикаси, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш, химия, биология, медицина соҳасида жуда катта кашфиётлар билан жаҳон фанини бойитдилар.

Халқимиз энг буюк фан-техника муваффақиятига эришган кунга — Ернинг жаҳонда биринчи сунъий йўлдошини учирган кунга бу йил ўн йил тўлади. Бу тарихий воқеа космик тадқиқотларнинг бутун бир даврини бошлаб берди, эндиликда биз совет олимлари ва ишчилари инженерлар ва техниклари космонавт қаҳрамонлар қилган шижоатнинг нақадар улканлигини айниқса яққол ҳис қилмоқдамиз.

Ўртоқлар! Совет халқи эришган нарсаларнинг ҳаммаси, экономика, маданият, фаннинг ҳамма муваффақиятлари бизда халққа хизмат қилдирилмоқда. Ленин революциядан сўнг одамлар яхшироқ яшашни истаганларини жуда табиий бир нарса деб ҳисоблаган эди. У Бутун Россия Советлари V съездида қилган докладида бундай деган эди: «Биз ҳар томондан янги талабларни қўяр эканмиз, биз мана бундай деймиз: бу шундай бўлиши керак, ҳар ким ўз аҳволини яхшилашни истаётган экан, ҳамма турмуш фаровонлигидан баҳраманд бўлишни истаётган экан, ана шунинг ўзи социализмдир». (Асарлар, 27-том, 549-550-бетлар).

Коммунистик партия Ленин васиятини ҳамиша эсда тутиб ва муқаддас билиб, бажариб келмоқда. Халқимиз тобора яхшироқ яшаши тўғрисида ғамхўрлик қилишни партиямиз ўзининг олий бурчи ва вазифаси, деб ҳисоблайди. Жамиятимиз тараққиётининг эллик йиллик тажрибаси Ленин башорат қилиб айтганидек, социализм инсонга тобора кўпроқ неъматлар бераётганлигини яққол кўрсатиб турибди. Совет ҳокимияти йиллари мобайнида, биз анчагина маблағларни мудофаага ва мамлакатнинг техникавий-иқтисодий колоқлигини енгишга сарфлаш зарурияти остида қолганлигимизга қарамай, меҳнаткашларнинг турмуш даражаси революциядан олдинги вақтдагига нисбатан мамлакатимизда кўп баравар ошди.

Биз иш ҳақини ошириш, чакана нархларни пасайтириш, солиқларни қисқартириш ва бекор қилиш йўли билан халқ фаровонлигини кўтармоқдамиз. 1950 — 1966 йиллардаги даврнинг ўзидагина ишчи ва хизматчиларнинг пул билан оладиган ўртача иш ҳақи бир ярим баравардан зиёдроқ кўпайди. Ҳар бир ишловчига ҳисоблаганда 1966 йилда 400 сўмдан ҳам ошиб кетган ижтимоий фондлар меҳнаткашларнинг даромадларига катта қўшимча бўлмоқда. Бундан ташқари уй-жой бинолари, мактаблар, маданий-маиший муассасалар ва медицина муассасалари қурилишга давлат ҳар бир ишчи ва хизматчининг онласига ўрта ҳисобда йилига 150 сўм сарфламоқда. 8,5 миллиондан кўпроқ бола ижтимоий истеъмол фондлари ҳисобидан мактабгача ёшдаги болалар тарбия муассасаларида тарбияланмоқда. Совет жамияти меҳнаткашларни кексайганида ва меҳнат қобилиятини йўқотганида моддий таъминлаб турибди. Ҳозир ҳамма меҳнаткашлар — ишчилар, хизматчилар, колхозчиларга пенсиялар берилмоқда. Совет кишилари текин билим олмоқдалар, шу жумладан олий таълимни ҳам текин олмоқдалар, текин медицина ёрдамидан фойдаланмоқдалар. Мамлакатда жуда кўп санаторий ва дам олиш уйлари очилган. Ҳозир мамлакатимизда революция арафасидагига қараганда 20 баравардан зиёдроқ кўп врачларимиз бор, масалан, АҚШ, Англия ва Францияни қўшиб ҳисоблаганда ҳам улардаги врачлардан бизнинг врачларимиз анча кўп.

Совет давлати уй-жой фондини вужудга келтириш ва уни сақлаб туриш харажатларининг асосий қисмини ўз устига олмоқда. СССРда квартирага тўланадиган ҳақ жаҳонда энг кам ҳақдир. Уй-жой қурилишининг кейинги йиллардаги миқёси ва суръатлари шундай бўлиб қолдики, ҳар йил мамлакатимизда 10 миллиондан кўпроқ киши янги уйларга кўчиб кирмоқда.

Социалистик жамият меҳнатни ҳамма ва албатта, бажариши лозим бўлган ишга айлантириб, шу билан бирга меҳнат шароитини тубдан яхшилади. Совет давлати иш ҳақини сақлаб қолган ва оширган ҳолда иш кунини қисқартиришга доир катта тадбирларни амалга оширди. Ишчи ва хизматчиларни икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасига ўтказиш Октябрнинг 50 йиллигигача асосан тугалланади.

Социализм совет халқига маданият маориф неъматларини олиб келди, халқнинг маънавий ҳаётини улуғлади ва бойитди. Инсон шахсининг ривожланиши учун энг қулай имкониятларни фақат социалистик ижтимоий тузум яратиб бермоқда. Чор Россиясидаги аҳолининг тўртдан уч қисми саводсиз эди, ҳозир биз умумий ўрта таълимга ўтмоқдамиз. Ишлаб турган ҳар минг кишига ҳисоблаганда олий ва ўрта (тўлиқ ва тўлиқсиз) маълумотга эга бўлган 560 дан кўпроқ киши тўғри келади. Ҳозир 72 миллиондан кўпроқ киши турли мактаб ва курсларда ўқимоқда. Бизда адабиёт ва санъат чинакам равнақ топди. Совет адибларининг ва санъаткорларининг коммунистик идеаллар билан суғорилган ва юксак бадиий фазилатларга эга бўлган энг яхши асарлари халқимизнинг маънавий хазинасини ва бутун жаҳон маданиятини бойитмоқда. Коммунизм қураётган совет кишиси социалистик реализм санъатининг бош қаҳрамонидир. Мамлакатимизда кенг халқ оммаси илмий ва бадиий ижодкорликдан баҳраманд бўладиган бўлиб қолди.

Шу нарсани қайд қилиб ўтиш ёқимлики, фан ва техника, адабиёт ва санъат намоёндалари ўртасида Ленин мукофоти лауреатларининг бугун янги отряди пайдо бўлди. Улар Ватанимиз бахти-саодати учун қилган меҳнатда жуда катта муваффақиятларга эришганлиги туфайли ана шу юксак унвонга сазовор бўлдилар.

Хуллас, қайси бир соҳани олмайлик ҳамма жойда совет кишиси жамиятнинг ғамхўрлигини, партиянинг ғамхўрлигини, Лениннинг социализм тўғрисидаги таълимоти амалга оширилаётганлигининг натижаларини ҳис қилиб турибди.

Экономика ва маданиятни ривожлантиришдаги, халқ фаровонлигини оширишдаги мамлакатимизнинг буюк муваффақиятлари тўғрисида фахрланиб гапириш учун бизда ҳамма асослар бор. Шу билан бирга партия бизга муваффақиятларга етарли равишда баҳо берибгина қолмасдан, камчиликларни ҳам кўриш керак, деб таълим бериб келмоқда. Партия коммунизм қуриш учун олиб бораётган ўзининг кундалик қизғин курашида партия ташкилотларининг, совет ва хўжалик органларининг, барча кадрларимизнинг асосий диққат ва эътиборини, куч ва ғайратини бизнинг олға боришимизга халақит бераётган ғўсқинликларни енгишга, саноат ишидаги, капитал қурилишдаги, қишлоқ хўжалигидаги, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳамда партия ва давлатимиз хилма-хил фаолиятининг бошқа соҳаларидаги мавжуд камчиликларни йўқотишга қаратмоқда.

Социалистик тузум гарантиялаб бераётган буюк социал ҳуқуқлар гражданлик бурчлари билан ва аввало, ҳар бир совет кишисининг коммунистик жамият қурилишининг ҳар бир участкасида виждонан ва ҳалол меҳнат қилиш бурчи билан чамбарчас боғланган. «Ишламаган тишламайди» деган энг оддий ва жуда очиқ кўриниб турган ҳақиқатни Ленин социализмнинг асоси деб, «унинг битмас-туганмас куч манбаи, унинг узил-кесил ғалаба қозонишининг мустаҳкам гарови» деб билди. (Асарлар, 27-том, 410-бет). Социализм шароитида шахснинг ривожланишини йўллаб турувчи асосий куч эркин коллектив меҳнатнинг ўзидадир. Бутун халқнинг умумий меҳнат оқимига қўшаётган ўз меҳнати учун фахрланиш, ишлаб чиқаришдаги муваффақиятлар учун, планларимизнинг тақдири учун ўзининг шахсий масъулиятини англаш, ижтимоий мулкни кўпайтиравершга интилиш совет кишиларига хос белгилардир.

Ўртоқлар! Ленин партияси ва совет халқи сиёсий, иқтисодий, социал ва маънавий турмушни социалистик қайта қуриш намунасини жаҳонга кўрсатиб берди. Илмий социализм янги ижтимоий муносабатларнинг яхлит системасига айлантирилди. Бу жаҳон цивилизациясининг ривожланишига қўшилган энг катта ҳиссадир.

Бу ҳиссанинг тарихий қиммати шу билан белгиланадики, жуда катта мамлакатнинг жонли тажрибасида жамиятни тағин ҳам юксак, социалистик тарзда ташкил этишга ўтиш мумкинлиги ва зарурлиги исботлаб берилди, бу ўтишнинг амалий методлари ва формалари ишлаб чиқилди. Социалистик революция, ишчилар синфи бошчилигидаги меҳнаткашлар ҳокимиятини барқарор қилиш социализм қуришнинг биринчи ва ҳал қилувчи шарти эканлиги тўғрисида Лениннинг таълимотини турмушнинг ўзи исботлаб берди. Меҳнаткашлар оммаси ўзининг бутун фаолиятини марксизм-ленинизм негизига қурган партия раҳбарлигидагина социалистик жамият барпо қилиши ва уни янада ривожлантириши мумкинлиги амалда исбот бўлди.

Ленин буюк ишининг ғалабаси, ленинизм ўлмас идеялари амалда рўёбга чиқарилганлиги — мана шунинг ўзи жонли, реал социализмдир!

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН — КОММУНИЗМ САРИ

Ўртоқлар!

В. И. Ленин туғилган кунни бугун биз Октябрнинг шонли юбилейини кутишга тайёрланаётган халқнинг ижодий ғайрати юксалган вазиятда нишонламоқдамиз.

КПСС Марказий Комитетининг 1964 йил октябрь, 1965 йил март ва сентябрь Пленумларида партия ишлаб чиққан ва КПСС XXIII съездида янада ривожлантирилган катта социал иқтисодий, сиёсий, идеологик ва ташкилий, тадбирларнинг эзгу таъсири совет жамиятининг бутун кўп қиррали ҳаётида тобора сезиларли намоён бўлаётганлигини кўриб турибмиз. Бу сиёсатни бутун совет халқи якдиллик билан маъқуллади ва бу сиёсат оғишмай амалга оширилмоқда. Бунёдкорлик ишининг ҳажми жиҳатидан, амалга оширилаётган чораларнинг ва реал муваффақиятларнинг социал аҳамияти жиҳатидан мамлакатимиз ҳаётидаги ҳозирги давр энг сермазмун ва самарали даврларнинг биридир.

Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичидаги диққатга сазовор хусусияти шуки, хўжаликка ва ижтимоий турмушга раҳбарликнинг илмий методларини тобора кенг равишда ва қунт билан жорий қилмоқ, партия, давлат хўжалик аппаратининг ҳамма бўғинларида ишчанликни оширмоқ керак. Мавжуд аҳволга ва мамлакат олдида пайдо бўлаётган вазифаларга баҳо беришда реалистик йўл тутиш асосий ўрин олмоқда; партиявий раҳбарликда коллективчилик кенгаймоқда ва мустаҳкамланмоқда; партия, давлат ва хўжалик аппаратининг ҳамма бўғинларида ишчанлик, ходимларнинг интизоми ва масъулияти ошиб бормоқда.

В. И. Ленин, «коммунизм иқтисодий жиҳатдан асослаб берилгандагина биз уни қадрлаймиз», деган эди (Асарлар тўла тўплами, 38-том, 179-бет). КПСС XXIII съездининг Директиваларида янги беш йилликда коммунизмнинг моддий-техника базасини узвий бирликда ривожлантириш, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини ошириш ва социал-иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш кўзда тутилган. Партия экономикага — саноатни, қишлоқ хўжалигини, қурилишни, транспортни, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқларини янада юксалтиришга биринчи даражада эътибор бериб келмоқда. Меҳнаткашларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини бевосита қондирадиган тармоқларни тезроқ олдинга силжитиш учун ҳозир бизда имкониятлар бор. Шу сабабли бу беш йилликда ишлаб чиқариш воситаларини ва истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришни ўстириш суръатлари бир-бирига яқинлаштирилади.

КПСС шунга асосланиб иш олиб бормоқдаки, социализмга хос объектив қонунлардан изчил ва тўлиқ фойдаланиш негизидагина коммунистик қурилишни муваффақиятли олиб бориш мумкин. Планлаштиришни, хўжалик ҳисобини ҳар томонлама такомиллаштиришимиз, хўжаликни бошқаришда марказлаштириш билан демократизмни бир-бирига моҳирона қўшиб олиб боришимиз, меҳнатга бўлган моддий стимулларнинг ҳам, маънавий стимулларнинг ҳам ролини ошира беришимиз керак. Ленин бизга шундай деб таълим берган. КПСС Марказий Комитетининг март ва сентябрь Пленумларида партия ишлаб чиққан чора ва тадбирлар ҳам, жумладан, мамлакатимизда саноат, транспорт ва алоқа корхоналари планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги тартибига ўтказилаётганлиги ҳам мана шу мақсадни кўзламоқда.

Шу кунгача тахминан 2.500 саноат корхонаси хўжаликни юритишнинг янги методларига ўтказилди. Келгуси йилда эса қолган корхоналарнинг ҳаммаси мана шу янги тартибга ўтказилади. Тажриба шуни кўрсатиб турибдики, янгича ишлаётган завод ва фабрикаларда ходимларнинг корхона фаолиятини яхшилашдан манфаатдорлиги анча ошиб бормоқда, меҳнатга ва социалистик мулкка тағин ҳам масъулиятлироқ муносабатда бўлиш руҳи ходимларга тағин ҳам кўпроқ сингиб бормоқда. Натижада ишлаб чиқариш самарадорлигининг тағин ҳам юксак кўрсаткичларига эришилмоқда, меҳнат унумдорлиги тезроқ ўсмоқда, ускуналар, хом ашёлар, материаллардан яхши фойдаланилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси миллий даромадни ва совет кишиларининг фаровонлигини ошириш суръатларини жадаллаштириш истиқболларини очиб бермоқда.

Хўжалик ислоҳоти — оддий иш эмас, шу ислоҳотни ўтказиш катта куч ва диққат-эътиборни талаб қилади. Бунинг учун хўжаликни юритишнинг янги методларини амалга оширишнинг энг рационал йўлларини танлаб олиш, янги системани ишга солишнинг бутун механизмини тағин ҳам камолга етказиш керак. СССР Госплани, министрликлар ва идоралар, корхоналар, илмий тадқиқот институтлари халқ хўжалигидаги иқтисодий ишни тинмай такомиллаштира беришлари ва чуқурлаштира беришлари, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга, капитал маблағлардан, асосий фондлар ва оборот фондларидан яхшироқ фойдаланишга доимо эриша беришлари лозим. Чиқарилаётган маҳсулотнинг техникавий даражасини ошириш ва сифатини яхшилаш ишларини кучайтиришимиз, меҳнатини ва ишлаб чиқаришни ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишидаги ҳозирги даражага мос келадиган қилиб, илмий ташкил этишни тезроқ жорий қилишимиз, янги корхоналарнинг лойиҳаларида кўрсатилган қувватини тезроқ ўзлаштиришимиз зарур.

Табиийдирки, чуқур иқтисодий чораларни ўтказиш чоғида қийинчиликларга дуч келмай бўлмайди. Яна бунинг устига баъзи ходимларнинг эски тартиблардан, корхоналарнинг майда-чуйда ишларига ҳам аралашаверишдан ҳанузгача воз кечмаётганликлари сезилиб турибди, «эришилган даражага» қараб планлаштириш ҳоллари ҳали ҳам такрорланмоқда, баъзи бир кимсалар планни «ялпи маҳсулот бўйича» бажаришни талаб қилишни давом эттирмоқдалар, ваҳолонки, реализация қилинган маҳсулотнинг ҳажми иқтисодий жиҳатдан самаралироқ кўрсаткич эканлиги ҳаммага маълум. Ишлаб чиқариш резервларидан тағин ҳам тўлиқ фойдаланмоқ учун мавжуд қийинчиликларни қунт билан бартараф қила бериш зарур.

Партия иқтисодий сиёсатининг марказий вазифаларидан бири шуки, халқ хўжалигида техника тараққиётини имкон борича тезлаштириш керак, бунга эса фанни янада ривожлантирмай эришиб бўлмайди. В. И. Ленин «Фанни қадрлашни ўрганиш» фаннинг кундалик ҳаётимизга сингиб кетишига эришиш керак, деб кўп марталаб таъкидлаган эди. Илмий тадқиқотларнинг натижаларидан ишлаб чиқаришда тезроқ фойдаланиладиган бўлишини таъминлаш, фан ижтимоий меҳнат унумдорлигини оширишнинг тағин ҳам тобора активроқ омили бўлиб қолишига эришиш йўлида партия зўр бериб ишлаб келмоқда.

Биз мамнуният билан шуни қайд қилишимиз мумкинки, партиянинг сиёсати, меҳнаткашларнинг фидокорона иши ўзининг ажойиб самараларини бермоқда. 1966 йил — беш йилликнинг биринчи йили яхши тугалланди. Бу йил ҳам тузук бошланди. Биринчи кварталда саноат ишлаб чиқаришини ўстириш суръатлари анча ошди. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 10.9 процент кўпайди, меҳнат унумдорлиги 6.7 процент ошди. Маҳсулотнинг кўпгина энг муҳим турлари, шу жумладан халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш кўпайганлиги бизни қувонтирмоқда. Биринчи кварталда совет металлургияси йилига 100 миллион тоннадан кўпроқ пўлат ишлаб чиқаришни таъминлайдиган даражага чиқиб олганлигини алоҳида қайд қилиб ўтмоқчиман. Қишлоқ меҳнатчилари гўшт, сут, тухум тайёрлаш квартал планини ошириб бажаришди, шу вақт ичида қорамоллар, қўйлар ва эчкилар туёғи кўпайди. Ҳозир колхоз ва совхозларда кўкламги дала ишлари қизғин бормоқда, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш ва чорвачилик маҳсулдорлигини кўпайтириш учун социалистик мусобақа авж олдирилмоқда.

Совет ҳокимиятининг эллигинчи йилини халқимиз экономика ва маданиятни ривожлантиришда, партия XXIII съезди қўйган вазифаларни амалга оширишда янги улкан муваффақиятлар билан нишонлайди, бунга шак-шубҳа йўқ.

Ўртоқлар! Кейинги йилларда қилинган ишларни ва босиб ўтилган бутун йўлни кўздан кечирсак Ленин партиясининг фаолияти совет халқининг тақдири учун нақадар катта аҳамиятга эга бўлганлигини яққол кўрамиз. Коммунистик партияни барпо қилишга, унинг назариясини, революцион стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишга Ленин ўзининг мутафаккирлик даҳосини сарфлади.

Большевиклар Лениннинг оташин идеялари билан қуролланиб, ишчилар синфи, меҳнаткашлар кенг оммаси кўнглида, социалистик революция ғалабасига чуқур ишонч уйғотдилар, миллион-миллион омманинг ниҳоятда катта ғайратини ишга солдилар, бу ғайрат янги жамият қурилишида мужассамланди ва мужассамланмоқда.

1917 йилдаги алангали воқеалардан бери ярим аср ўтган ва мамлакат кўпгина синовлар ҳамда қийинчиликларни ғалаба билан енгиб ўтган ҳозирги пайтда Ленин партиясининг раҳбарлик ва етакчилик роли тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланди, тағин ҳам каттароқ бўлиб қолди. Совет халқи ўзининг ҳамма муваффақиятларига партия раҳбарлигида эришди. Ленин партияси ҳамиша халқ билан бирга бўлди, ғалабалар сурурини ҳам, вақтинча муваффақиятсизлар аламини ҳам меҳнаткашлар билан бирга тортиб келди ва тортмоқда.

Ленин васият қилиб айтганидек, биз ички ва ташқи сиёсатнинг барча энг муҳим вазифаларини партия раҳбарлигида бажариб келмоқдамиз. КПСС ҳозирги жаҳон тараққиётининг актуал проблемаларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқишга қардош марксчи-ленинчи партиялар билан бирга анча катта ҳисса қўшмоқда. Коммунистик қурилишнинг асосий вазифалари КПСС Программасида, XXIII съезд қарорларида белгилаб берилди.

Партиямиз раҳбарлик услубини ва методларини зўр бериб такомиллаштиришни, партия турмушининг ленинча нормаларига оғишмай амал қилишни, партия ана шу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишнинг мутлақо зарур шарти, деб ҳисоблайди. Партия ташкилотлари ўзларининг асосий диққат ва эътиборларини ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳодисаларни ҳар томонлама анализ қилишга, кадрлар ва барча меҳнаткашлар билан ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий иш олиб боришга қаратганларидагина уларнинг раҳбарлик ролини ошириш мумкин. Кейинги йилларда бу соҳада диққатга сазовор ўзгаришлар рўй берди. Партия ташкилотларининг ва партия раҳбар органларининг ишлаб чиқариш масалаларига, советлар ва оммавий ташкилотларнинг фаолиятига, идеология ишига нисбатан тутаётган йўли тобора чуқурлашмоқда. Бироқ, партиявий раҳбарликнинг янги методларини эгаллашга, бу раҳбарлик услубини такомиллаштиришда партия ташкилотларимиз ва кадрларимиз ҳали кўп иш қилишлари керак.

В. И. Ленин уқтириб айтган эдики «марксизмнинг бошқа ҳамма социалистик назариялардан афзаллиги шундаки, у воқеаларнинг объектив ҳолатини ва эволюциянинг объектив боришини анализ қилишда тўла фаний ҳушёрликка асосланади ва шунинг билан бирга омманинг революцион ғайрати, революцион ижоди, революцион ташаббусининг аҳамиятини қатъий суратда эътироф қилади ва буларни, яъни илмий ҳушёрлик билан мазкур эътироф қилишни гўзал бир суратда бирлаштиради». (Асарлар, 13-том, 25-бет).

Партия барча совет кишиларининг самарали меҳнат қилиши ва маънавий ўсиши учун, уларнинг ташаббуси ва ғайратини ривожлантириш учун ҳамма имкониятларни яратиб беришга интилмоқда. Муштарак ишимизнинг муваффақияти ҳар бир кишининг куч ва ғайрат сарфлаб қилаётган меҳнатига, сиёсий онглилигига ва ижтимоий активлигига боғлиқдир. Партия омма орасида олиб бораётган сиёсий ишни кучайтирмоқда, меҳнаткашларни, айниқса ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш формалари ва методларини такомиллаштирмоқда, юксак ғоявийлик, уюшқоқлик ва интизомли бўлиш намуналарини кўрсатишлари лозим бўлган барча партия аъзоларига нисбатан талабчанликни оширмоқда. КПСС ўзининг ишончли резерви, совет ёшларининг жанговар авангарди бўлган кўп миллион кишилик ленинчи комсомолнинг кўп қиррали фаолиятига ҳамиша катта эътибор бермоқда.

Улуғ Ленин таълим бериб айтган эдики, халқ билан чамбарчас алоқада бўлиш, меҳнаткашлар оммасини руҳлантира билиш ва ташкил эта билиш партия кучининг асосий манбаидир, партия ғалабаларининг гаровидир. Совет халқи ўз партиясига ишонади, унинг бошлаб берган ҳамма ишлари ва планларини актив қувватлайди. «Коммунистик партия, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXIII съездида Марказий Комитетнинг ҳисобот докладида, — бундан буён ҳам ўзининг бутун кучини халқ бахти ва Ватанимиз равнақи учун, коммунизм учун кураш ишига сарфлай беради ва ўзининг амалий ишлари билан совет халқининг буюк ишончини оқлайди».

Ленин партияси раҳбарлигида биз коммунизмнинг тўла ғалабаси сари ишонч билан олға бормоқдамиз ва коммунизмнинг тўла ғалабасига етиб келамиз!

КПСС ЛЕНИННИНГ ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТИК ВАСИЯТЛАРИГА СОДИҚ

Ўртоқлар! Лениннинг буюк таълимоти фақат миллий миқёсдагина эмас, шу билан бирга халқаро миқёсда ҳам тарихий синовдан ўтди. Шу таълимот байроғи остида кўпгина мамлакатларда социалистик революциялар қилинди ва янги жамият қурилмоқда. Ленин идеяларининг ўзгартирувчи ролини жаҳон коммунистик ва бутун озодлик ҳаракатининг кенг қулоч ёйганлиги исботлаб берди. Ижтимоий ривожланишнинг турли босқичларида турган халқларнинг илғор кучлари етилган социал ва миллий проблемаларни ҳал қилиш йўлларини қидирар эканлар, эндиликда ленинизмга мурожаат қилмоқдалар.

Ўзининг чуқур илмийлиги билан қудратли кучга эга бўлган ленинизм ишчилар синфи революцион курашининг яна шунинг учун ҳам қуроли бўлиб қолдики, бунда меҳнаткашлар халқаро қардошлиги ва бирдамлигининг буюк идеяси мужассамлангандир.

Ленинизмга ва пролетар интернационализмига содиқлик КПСС ички ва халқаро сиёсатининг жонли руҳини ташкил қилади. Амалдаги интернационализм, деб таълим беради Ленин, «ўз мамлакатингда революцион ҳаракатнинг ва революцион курашнинг ривожланиши устида фидокорона ишлаш, истисносиз **барча** мамлакатларда **худди шундай курашни, худди** шундай йўлни ва **фақат биргина шундай курашни** (пропаганда билан, хайрихоҳлик билан, моддий жиҳатдан) қўллашдан иборатдир». (Асарлар, 24-том, 60-бет).

Лениннинг бу қоидаси конкрет шароитда революцион курашни миллий ва интернационал вазифалар билан қўшиб олиб бориш қандай бўлиши лозимлигини тушуниб олишга ёрдам беради. Бу қоида шуни равшан кўрсатиб турибдики, муайян мамлакат меҳнаткашлари олдида турган ички вазифаларни, — хоҳ янги жамият қуриш вазифалари бўлсин, ёки монополияларнинг ҳукмронлигини тугатиш, миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ёҳуд империализмнинг кирдикорларига зарба бериш вазифалари бўлсин, — мана шу ички вазифаларни ҳал қилиш учун актив кураш олиб бормай туриб, интернационал бурчларни бажариш тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Айни вақтда жаҳон социалистик системасини мустаҳкамлаш, ишчи ва миллий озодлик ҳаракатини қувватлаш, тинчликни умумий хавфсизликни мустаҳкамлаш сингари муҳим муштарак проблемаларни ҳал қилишда самарали қатнашмай туриб, миллий вазифаларни ҳам муваффақиятли равишда амалга ошириш мумкин эмас.

Революцион жараённи ва интернационализмни Ленин концепциясига зид ҳолда ўзича талқин қилиб, буни ленинизм номи билан ниқоблашга чет элларда баъзи бир кимсалар уринаётганлиги муносабати билан Лениннинг ана шу қоидасига амал қилишнинг аҳамиятини айниқса уқтириб ўтиш зарур. Лекин кураш йиллари коммунистларни чинакам революционликни сохта революционликдан фарқ қилишга, меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлиги байроғига содиқлик тўғрисида айтилаётган сўзларга қараб эмас, балки қилинаётган ишларга қараб фикр юритишга ўргатди. Марксчи-ленинчи революцион, интернационалистик сиёсатни изчиллик билан ўтказади, меҳнаткашларни социал ва миллий озодликка олиб чиқиш, илмий социализм идеяларини амалга ошириш йўлида тинмай ва қунт билан ишлайди. Ленин совет коммунистларини ана шундай курашчилар, интернационалистлар қилиб тарбиялади.

Ленин Совет Республикаси ўзининг интернационал бурчларини қаттиқ туриб бажараётганлигини қайд қилар экан, «халқаро социалистик ҳаракатга ёрдам бериш учун, инсониятни капитал зулмидан ва ёлланма қулликдан халос бўлишга томон, социалистик жамиятни қуришга ҳамда халқлар ўртасида мустаҳкам, адолатли сулҳни ўрнатишга томон олиб борадиган йўлни таъмин этиш ва тезлаштириш учун бундан кейин ҳам қўлдан келган ҳамма чоранинг кўрилишига жуда қаттиқ ишонч» билдирган эди. (Асарлар, 27-том, 200-бет). Ҳозирги кунда, ўртоқлар, бизнинг партиямиз, совет халқи ўзининг улуғ йўлбошчиси ва устози қолдирган интернационалистик васиятларини шараф билан бажарди ва бажараётир, деб айтиш учун бизда ҳамма асослар бор.

(Охири учинчи бетда)

Ўртоқ А. П. КИРИЛЕНКО докладининг охири

(Бошн иккинчи бетда)

Ленин партияси бошчилигида совет халқи социалистик жамият қурди, Ватанямиз озодлигини, Октябрь ишини ғитлерчилар Германияси билан олиб борган оғир урушда ҳимоя қилиб, сақлаб қолди. Бу ғалаба айни вақтда биринчи социализм мамлакати ўзининг интернационал бурчини бажараётганлигини кўрсатувчи ажойиб ўрнак бўлди, тинчлик ва тараққиёт ишининг ғалабаси бўлди. Империализм зарбдор кучлари социалистик тузумни емиришга ва СССР халқларини асоратга туширишга уринганларида бу уриниш барбод қилинчигина қолмади, шу билан бирга халқаро революцион ҳаракатни янада юксалтирмоқ учун тағин ҳам қулай тарихий шарт-шароит вужудга келтирилди.

Ўтган ярим аср давомида партиямиз ва халқимиз жаҳондаги ҳамма чинакам революцион ҳаракатни ҳамиша қўллаб-қувватлаб келди. Хитой, Монголия, Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг империалистик зулмдан қутулиш учун олиб бораётган курашларига берилиб турган ёрдам, испан халқининг фашизмга қарши кураши қўллаб-қувватланганлиги — совет халқининг бошқа мамлакатлардаги меҳнаткашлар билан революцион бирдамлигини кўрсатувчи мана шу ва бошқа кўпгина ишлар бутун дунёдаги озодлик ҳаракатининг ривожланишига жуда катта таъсир ўтказди, Совет Иттифоқи социалистик мамлакатларнинг империализм томонидан қилинаётган душманлик тазйиқини даф этишга, янги жамият қуришига катта сиёсий ва моддий ёрдам бериб турди.

Жаҳон социалистик системаси бутун дунёдаги революцион жараённинг бош кучидир. Социалистик мамлакатлар жипслигини мустаҳкамлаш ва ҳамкорлигини ривожлантириш партиямиз ва Совет давлатининг ташқи сиёсат фаолиятида ўтказиб келаётган энг муҳим йўналиш. Халқлар интернационал бирлигининг ленинча принципи жаҳон социалистик системасига чуқур томир ёйди. Варшава шартномаси ташкилотида ва ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида аъзо бўлган давлатлар ўртасида мустаҳкам сиёсий ва иқтисодий алоқалар ўрнатилди. Маълумки, социалистик мамлакатлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги икки томонлама шартномаларнинг жаҳонда биринчи давлати — Германия Демократик Республикаси билан тузган шартномалари тинчлик ва интернационал дўстликни мустаҳкамлаш учун катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтишни истар эдик.

Хўжалик қурилиши ва техника тараққиёти соҳасидаги кўп томонлама ва икки томонлама ҳамкорлик, илм, фан ва маданият соҳасидаги актив алоқалар, партия, касаба союз, жамоат, хўжалик органлари ўртасида ва бевосита меҳнаткашлар ўртасида тобора кенгайиб бораётган алоқалар — қардош социалистик мамлакатлар ўртасидаги интернационал алоқалар амалга оширилаётган воситаларнинг тўла бўлмаган рўйхати ана шундай.

Миллий хўжаликларнинг ривожлантирилиши, ҳамдўстликнинг муштарак вазифаларини ҳал қилишда куч ва ғайрат бирлаштирилаётганлиги билан бир қаторда социализм мамлакатларининг ишлаб чиқаруvчи кучларини тез ўстиришга олиб келди. Социализм мамлакатлари 1966 йилда ўзларининг 1937 йилдаги территорияларида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотига қарағанда қарийб 10 баравар кўп саноат маҳсулоти ишлаб чиқардилар. Шу вақт ичида капиталистик дунёда саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми атиги, 3,7 баравар кўпайтирилди.

КПСС ва социалистик мамлакатларнинг марксча-ленинча партиялари жаҳон социалистик системасининг ривожланиши натижасида туғилаётган проблемаларни биргаликда куч ва ғайрат сарфлаб ҳал қилмоқдалар, социалистик қайта қурилишларнинг жаҳоншумул тажрибаси берган энг яхши натижаларидан янги жамият қуришда фойдаланмоқдалар, дуч келаётган қийинчиликларни зўр бериб енгмоқдалар. Чехословакия, Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси қардош партияларининг яқинда бўлиб ўтган съездлари ҳар бир социалистик мамлакатнинг ва бутун социалистик ҳамдўстликнинг бирлиги мустаҳкамлашга бўлган қатъий иродасини, бир-бирининг муваффақиятли ривожланишидан манфаатдор эканлигини яққол намойиш қилди.

Бизнинг партиямиз социалистик мамлакатларнинг халқаро майдонлари бирдамлигини мустаҳкамлашга ҳамиша диққат ва эътибор бериб келмоқда. Социалистик ҳамдўстлик катта қудратга эга бўлиб қолган ҳозирги вақтда шу мамлакатлар ташқи сиёсати принципларини ва ҳаракатларининг бирлигига жаҳон воқеаларининг боришига жуда катта таъсир ўтказа олади.

Америка Қўшма Штатларининг Вьетнамга қарши жиноий уруши ҳозирги кунда энг кескин халқаро проблема бўлиб турибди. АҚШ ҳукумати Вьетнам халқининг қаҳрамонона қаршилигига, ҳамма халқлар Америка агрессиясини кескин қоралаётганлигига дуч келиб, биз ҳам Шарқи-Жанубий Осиёда тинчлик ўрнатиш ғаминн емоқдамиз, деб мунофиқларча даъво қила бошлади. Амалда эса, у ўзининг боскинчилик уруши миқёсларини ғўхтовсиз кенгайтирмоқда. АҚШ авиациясининг 20 апрелда Хайфон объектларига қилган ҳужуми сингари Америка агрессорларининг шармандали ҳаракатлари совет халқида, бутун прогрессив халқда зўр қаҳр-ғазаб туғдирмоқда.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар Вьетнам Демократик Республикасининг Америка агрессиясига қарши олиб бораётган курашига ҳар томонлама ва тоборо кўпроқ қардошлик ёрдамини кўрсатмоқдалар. Кураш-ётган Вьетнамни жаҳондаги соф виждонли кишиларнинг ҳамласи қувватламоқда. Америка империалистлари бу урушда ўзларининг ифлос мақсадларига эришга олмайдилар ва Вьетнам халқининг адолатли иши тантана қилади, бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ!

Агар барча социалистик мамлакатлар, шу жумладан Хитой ҳам биргалигда ҳаракат қилиб, Вьетнамга ёрдам бериб турганларида эди, бу ёрдам тағин ҳам самаралироқ бўлур эди албатта. Афсуски, Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг мана шундай бирликка интилиши Мао Цзэ-дуннинг бузғунчи, миллатчи группаси кўрсатаётган каттик қаршиликка дуч келмоқда.

Маълумки, Мао Цзэ-дун группаси коммунистик ҳаракатнинг бош йўлига қутуриб ҳужум қилмоқда, халқаро масалаларда социалистик мамлакатларнинг сиёсатига қарши чиқмоқда. Марксизм-ленинизмни «Мао Цзэ-дун идеаллари» деб аталган нарса билан алмаштиришга қаратилган бемаъни уринишларни рад қилаётган коммунистик партияларга Мао Цзэ-дун группаси миллатчилик, буюк давлатчилик позициясида туриб тухмат ва бўхтонлар ёғдирмоқда.

Бошқа қардош партиялар каби бизнинг партиямиз ҳам Хитой Компартияси билан, Хитой Халқ Республикаси билан дўстлик ва интернационал бирдамликни йўлда қўйишга муттасил интилиб келмоқда, шу билан бирга империализмга қарши курашни марксчи-ленинчи партияларга ва социалистик мамлакатларга, биринчи навбатда Совет Иттифоқига ва КПССга қарши кураш билан алмаштирган Мао Цзэ-дун гуруҳининг ленинизмга зид қараашларини изчиллик, қатъият билан фош қилиб ташлашни ўзининг бурчи деб ҳисоблайди.

Мао Цзэ-дуннинг ва гуруҳининг бу сиёсати, маълумки, агрессорларга маъқул тушмоқда, лекин Вьетнам халқининг барча самимий дўстлари, тинчлик ва социализм ишининг барча тарафдорлари бу сиёсатни қатъиян қоралашмоқдалар. Совет Иттифоқига келганда биз интернационализм принципларига қатъият ва изчиллик билан амал қилиб, курашаётган Вьетнам халқига кўрсатиладиган ёрдамни планлаштиришда ва унга амалий ёрдам кўрсатишда барча социалистик мамлакатларнинг, шу жумладан Хитойнинг ҳам ҳаракатларини кенг миқёсда бирлаштиришга аввалгидек тайёрмиз.

АҚШнинг ҳукмрон доиралари Вьетнамдаги агрессив урушни давом эттириш билан бирга Совет Иттифоқи билан муносабатларни яхшилашга интилмоқдамиз, деган гапларни кўп марталаб айтмоқдалар. Шу гапларга қараганда, улар бир социалистик давлат билан муносабатларни гўё яхшилашмоқчилар-у, аммо айни вақтда бошқа социалистик мамлакатга қарши урушни давом эттирмоқчилар. Лекин уларнинг бу умидларидан ҳеч бир натижа чиқмайди.

Совет Иттифоқи ҳукумати тинч-тотув яшаш принциплари асосида биз капиталистик мамлакатларнинг ҳаммаси билан тинчликни мустаҳкамлаш яшида, ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда ҳамкорлик қилишда тайёрмиз, деб бир неча марта айтди. АҚШ ҳукумати халқаро ҳуқуқ нормаларини риоя қилиш йўлига тушиб, ўзга мамлакатлар ва халқларнинг ички ишларига аралашувини тўхтатганида, шу мамлакат билан ҳам ана шундай ҳамкорлик қилиш мумкин бўлар эди.

Катта ва кичик ҳар бир халқнинг ўз мамлакатидаги ижтимоий тузум формаларини мустақил белгилашга ҳаққи бор, совет кишилари буни ҳар бир халқнинг муқаддас ҳуқуқи деб ҳисоблайдилар. Социал ва миллий озодлик учун курашаётган халқларни биз бундан буён ҳам кескин равишда қувватлай берамиз. Бу хусусда ҳеч ким хомтама бўлмаслиги керак!

СССРнинг ёш миллий давлатлар билан дўстлигини мустаҳкамлаш сиёсати ленинча интернационализм принципларига асосланган сиёсатдир. Миллий озодлик ҳаракати социализм ғалабалари билан чамбарчас боғланган ҳолда ҳал қилувчи муваффақиятларга эришди. Совет Иттифоқи озодликка эришган мамлакатларга сиёсий мадад бериб турибди, улар билан иқтисодий, техникавий ва маданий ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Мустамлакачилик асоратини улоқтириб ташлаган халқлар билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини бундан буён ҳам ривожлантира берамиз, уларнинг миллий мустақиллигини мустаҳкамлашга, уларнинг социал тараққиёт йўлидан боришига кўмаклаша берамиз.

Партиямиз совет халқининг капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфи, меҳнаткашлар оммаси билан бирдамлигини мустаҳкамлаш ишида фанда ва техникада ҳамкорлик ишлари ривожланаётганлигини алоҳида қайд қилмоқда. Шу мамлакатлардаги қардош партиялар ижтимоий сиёсий ҳаётда тобора катта роль ўйнамоқдалар, монополистик капитал ҳукмронлигини тугатишга лаёқатли бўлган барча прогрессив кучлар билан мустаҳкам иттифоқ тузишга интилмоқдалар.

Ўртоқлар! Бизнинг партиямиз ва Совет давлатимиз ленинча ташқи сиёсатни изчиллик билан ўтказиб, турли соцнал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши принципларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиб, Европада стабил тинчлик вазнятини вужудга келтиришга катта аҳамият бермоқдалар. Варшава Шартномасининг қатнашчилари бўлган социалистик давлатлар шу қитъадаги ҳамма мамлакатларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва ҳамкорлигини ривожлантириш тўғрисида конкрет программани таклиф қилдилар. Бу программа 1966 йилги Бухарест декларациясида баён қилиб берилди. Шу ҳужжатда баён қилинган идеялар ва таклифларни Европа жамоатчилигининг кенг доиралари қизғин маъқулламоқда.

Энг муҳими шуки, халқаро турмуш ҳодисалари ва фактларига баҳо беришда ҳам, шунингдек чегараларнинг бузилмаслиги, Ғарбий Германия реваншчиларини ядро қуролига яқин йўлатмаслик, икки-та герман давлати — Германия Демократик Республикаси билан Германия Федератив Республикаси мавжудлигини тўла ҳисобга олиш Европа хавфсизлигининг мустаҳкам системасини вужудга келтиришнинг зарур шарти эканлигини таъкидлашда ҳам Европа коммунистик партияларн бир ёқадан бош чиқармоқдалар. Буни Германия Бирлашган социалистик партиясининг яқиндагина ўз ишини тамом қилган VII съездида қардош партиялар вакилларининг айтган гаплари яна бир марта яққол намойиш қилди.

КПСС ва бошқа марксчи-ленинчи партиялар Германия Демократик Республикасининг Европада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатига юксак баҳо бермоқдалар. Айни вақтда шу нарсадан ҳам кўз юмиб бўлмайдики, Ғарбий Германияда яқинда ҳокимият тепасига чиқиб олган «катта коалиция» деб аталган ҳукумат ўзининг тинчликсеварлик руҳидаги гапларига зид равишда аслини олганда реваншизм, милитаризм ва антикоммунизм сиёсатини ўтказмоқда, Ғарбий Берлинга нисбатан бемаъни даъволарни ҳамда бутун герман халқининг вакили бўлишга ҳақлимиз, деган бемаъни даъволарни кўтариб чиқмоқда. Европа халқларига қуруқ сўз керак эмас, балки уларга сиёсий масалаларнинг замон талабларига ва Европа қитъасидаги ҳозирги реал вазиятга мувофиқ масъулиятли равишда ҳал қилиб берилиши керак.

Совет Иттифоқи, Европанинг социалистик мамлакатлари ҳамма давлатлар билан, шу жумладан Германия Федератив Республикаси билан ҳам алоқаларни ўз бирликлари ҳисобидан эмас, умуман социалистик ҳамдўстлик манфаатларни ёки шу ҳамдўстлик составидаги айрим мамлакатларнинг манфаатлари ҳисобидан эмас, балки ҳамма халқларнинг, шу жумладан Германия халқининг ҳам манфаатларини кўзлайдиган қилиб ривожлантиришни талаб қилиб келмоқдалар.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг яқин кунларда Карлови Варида кенгаш очилади. Бу кенгаш халқларнинг Европада тинчлик ва хавфсизлик учун курашига дойр энг муҳим проблемаларни муҳокама қилади. Бошқа қардош партиялар каби бизнинг партиямиз ҳам кенгашнинг муваффақиятн учун бутун куч-ғайратни сарфлайди.

Ўртоқлар! Халқаро коммунистик ҳаракатнинг ҳамма отрядлари маҳкам жипслашуви айниқса зарур бўлган ҳозирги шароитда бизнинг партиямиз, унинг Марказий Комитети мана шу актуал вазифани ҳал этиш учун кўлларидан келган ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Кейинги вақтларда КПСС билан бошқа коммунистик партиялар ўртасидаги алоқалар активлашди, уларнинг раҳбарлари учрашиб турибдилар, ва музокаралар олиб бормоқдалар. Бу эса, бизнинг партиямиз ва қардош партияларнинг ўзаро манфаатларга ҳамда тинчлик учун, миллий мустақиллик, демократия ва социализм учун курашнинг муштарак проблемаларига тааллуқли масалаларда уларнинг сиёсати ва ҳаракатларини яхшироқ уйғунлаштиришга ёрдам беради.

Халқаро кенгаш чақириш тўғрисида бир қанча қардош партиялар кўрсатган ташаббус ҳозир коммунистик сафларда тобора кўпроқ қўллаб-қувватланмоқда. Кўпгина партиялар бундай кенгаш ўтказиш учун шароит етилиб келмоқда, деб ҳисоблаётирлар, воқеаларнинг бутун боришн ҳам жаҳон коммунистик ҳаракатини ривожлантирмоқ учун шу қадар муҳим бўлган кенгашга пухта тайёргарлик кўрганидан кейин бу кенгаш ўтказилади, деган ишонч тугдирмоқда.

Ҳаммамизнинг ягона ниятимиз шуки, жаҳондаги барча коммунистлар жипслашган интернационал куч бўлиб ҳаракат қилсинлар Марксизм-ленинизмдан ва пролетар интернационализмидан чекинган мурталларнинг ҳеч қандай уринишлари жаҳон коммунизмининг Ленин байроғига садоқатини ҳеч қачон бўшаштира олмайди, биз бунга қатъиян аминмиз!

Ўртоқлар! Ҳозирги замондаги коммунистик ҳаракат ленинизмдан куч олиб келди ва куч олмоқда. Интернационал ҳаракатимизнинг Ленин негизини қурган идеологик асослари, шу ҳаракат стратегияси ва тактикасининг принципларн, коммунистик партиялар ўзаро муносабатларининг нормалари ўз аҳамиятини асло йўқотмайди. Вазият ҳар қанча ўзгармасин, ҳар қанча мураккаблашмасин уни синфий, пролетар позициядя туриб ялпий анализ қилиш революцион ишнинг олга боришида тўғри йўл топиб олишга имкон беради.

Социализм мамлакатларининг меҳнаткашлари, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати ўзларининг революцион тажрибалари билан қуролланган ҳолда Октябрь 50 йиллигини кутиб олмоқдалар.

Коммунистик ҳаракат ленинизм байроғи остида ер юзидаги энг нуфузли сиёсий куч бўлиб қолди. Шу байроқ остида у тинчлик ва социализм учун курашда халқларнинг революцион авангарди бўлишдан иборат буюк ролни бундан буён ҳам шараф билан бажаради!

Ўртоқлар! Ленивнинг революцион иши партиямизнинг, халқимизнинг кўрсатаётган қаҳрамонликларида яшаб келмоқда. Совет кишилари кураши ва меҳнатининг ғалабали 50 йили ленинизм идеалларининг. Октябрь идеалларининг ҳаётбахш зафарли кучини бутун дунёга намойиш қилмоқда.

Шу кунларда бизнинг бутун мамлакатимизда Совет ҳокимиятининг ярим асрлик юбилейи шарафига бошланган социалистик мусобақа кенг авж олмоқда. Саноат ва қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият ходимлари байрамни янги меҳнат ғалабалари билан нишонлашга астойдил интилмоқдалар. Биз аминмизки, ушбу юбилей йили Ватанимизнинг коммунизм йўлида — мана шу буюк мақсад йўлида қўйган катта қадами бўлади, шу буюк мақсадга етишиш йўлида партиямиз, қаҳрамон совет халқи меҳнат қилмоқда, Ленин ҳам шу буюк мақсад учун яшади ва курашди.

Яшасин революцион идеялар ва революцион ҳаракатларнинг битмас-туганмас манбаи, ғалабаларимизнинг байроғи бўлган ленинизм!

(Ўртоқ А. П. Кириленко доклади зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди).

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМГА КЕНГ ЙЎЛ

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари учун маданий ва техника билимига эга бўлган малакали ишчиларни ва кишлоқ хўжалиги механизаторларини планли ва ташкилий равишда тайёрлаб беришда профессионал-техника билим юртларининг роли каттадир.

Бизда халқ хўжалиги тез суръатлар билан тараққий қилмоқда. Бу эса малакали кадрлар тайёрлашни янада яхшилаш ва улар сонини кўпайтиришни тақозо этади. Ҳозир Тошкентда 11 та профессионал-техника таълими билим юртлари мавжуд. Уларда 5 минг йигит-қиз таълим олияпти. Билим юртларида турли хил ихтисос бўйича ишчи кадрлар етиштириляпти-ки, улар машинасозлик, тикувчилик, полиграфия, электротехника корхоналари, алоқа, темирйўл транспорти, курилиш ва бошқа соҳалардаги эҳтиёжнинг маълум қисмини қондириш имконини беради.

Профессионал-техника билим юртларининг педагогик коллективлари ёш малакали ишчиларни тайёрлашни яхшилаш, халқ хўжалигининг барча соҳаларини кадрлар билан етарли миқдорда таъминлаш борасида катта ишларни амалга оширишлари лозим. Таълим системаси ходимларининг яқинда бўлиб ўтган партия-хўжалик активи кенгашида ҳам шу масалаларга катта аҳамият берилди. Кенгашда Улуг Октябрь кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан социалистик мажбуриятлар қабул қилинди.

Ўқувчиларни революцион, меҳнат ва жанговарлик анъаналари руҳида тарбиялаш соҳасида ҳам катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўқувчиларнинг революция, граждан ва Ватан уруши ветеранлари, ишлаб чиқариш пешқадамлари ва бошқа таниқли кишилар билан учрашувлари ўтказиляпти.


9-профессионал-техника билим юртининг шонли юбилей шарафига қўраётган тайёргарлик ишлари айниқса диққатга сазовордир. Ўқувчилар ва педагоглар Фарғона шаҳридаги 1-билим юртини социалистик мусобақага чақиришди.

Бу ерда ўқув устахоналари қайта жиҳозланди, улар янги асбоб-ускуналар билан бойитилди. Хуллас, устахоналар техника эстетикаси талабларига жавоб берадиган ҳолга келтирилди. Бу эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш имконини берди.

Ҳозирда бу ерда дўстлик темасида бўладиган слётни ўтказишга тайёргарлик қизиб кетган. Слётга барча қардош республикалардаги билим юртларидан вакиллар меҳмон бўлиб келишади. Давлат комитети коллегияси 9-билим юртининг бу ташаббусини маъқуллаб, бошқа билим юртларида ҳам район ва область миқёсида слётлар ўтказишни тавсия қилди.

Ҳа, билим юртларимизнинг шонли санага тараддудлари катта. Улар шонли юбилейни ўқув-тарбия ишларини намунали ўтказиш билан қутиб оладилар.

Х. КАЛОНОВ,
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Профессионал-техника таълими Давлат комитетининг раиси.



Бу йил Тошкентда юзлаб километр ерости инженерлик коммуникациялари ўтказилади. Биринчи ихтисослаштирилган қурилиш бошқармаси ишчилари бу йил катта диаметрли 81-7 километр водопровод ва канализация қувурларини ўтказишга аҳд қилишган. Суратда: Зах ариғи орқали ўтказилган қувур.

Я. Каменер фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОЛДИНГИ САФИДА

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги фан ва техника соҳасидаги Ленин мукофотлари ҳамда СССР Давлат мукофотлари комитети президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг фан ва техника давлат комитети раисининг ўринбосари Г. В. АЛЕКСЕНКО билан суҳбат.

Улуғ Октябрнинг ярим асрлик байрами ёқида Ленин мукофотлари берилганлиги олимларимизнинг жаҳон тараққиётига катта ҳисса қўшганлигидан дарак беради.

Октябрь Ватани илм-фанининг ҳал қилувчи соҳаларида илғор позицияларга чиқиб олди. Ернинг биринчи сунъий йўлдошини ва инсоннинг биринчи бор космосга парвоз қилганлигини, биринчи атом электр станцияси ва «Ленин» атом музёраларини, зумрадларни ва сунъий олмосларни эслатиб ўтиш кифоя қилади.

Фан ва техника соҳасидаги энг кўзга кўринган ишлар учун Ленин мукофотлари бериш тўғрисидаги КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети қарорининг мазмунини яхширок чақиб кўрадиган бўлсак, у ҳолда илмий назариянинг энг мураккаб ҳуло-салари билан коммунистик қурилишнинг шонли практикаси ўртасида мавжуд бўлган узвий алоқа яққол намоён бўлади.

Сибирдаги совет фани марказининг ишлари ана шундай ўзаро алоқадорликка мисол бўла олади. Бу фан маркази ўн йил муқаддам Ватанимиз харитасида йўқ эди. Сибирь олимлари қилган ва жаҳон эътироф этган кашфиётлар орасида академик Г. И. Будкер бошчилигидаги физиклар коллективининг ажойиб ишини олдинги ўринлардан бирига қўйиш лозим. Улар таклиф этган «муқобил тутамлар методи» ҳозирги вақтда ҳамма мамлакатларда эътиборни жалб этаётган проблема юзасидан, яъни элементар заррачалар физикаси юзасидан ўтказилаётган тадқиқотларни тамомила янги илмий техникавий негизга солиб юборди.

Энг йирик физиклардан бири СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси И. М. Лифшиц ҳам Ленин мукофотига сазовор бўлди. Металларнинг электрон назариясида янги йўналиш вужудга келтирилганлиги унинг хизмати ҳисобланади. И. М. Лифшиц ва унинг шогирдлари ишларида тажриба маълумотларига қараб ўтказувчи электронлар энергетик спектрини қайтадан тиклаш вазифаси биринчи бор мақсад қилиб қўйилди ва бу вазифани ҳал этишнинг самарали методлари назарий жиҳатдан ишлаб чиқилди. Шу билан бирга металларнинг электрон структурасини, шунингдек металл қотишмаларнинг энергетик спектрини ўрганиш учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган ҳодисалар кашф қилинди.

Дубнодаги ядро тадқиқотлари бирлашган институтида коллектив бўлиб ишлаётган социалистик мамлакатлар олимларининг ғоят зўр тадқиқотлари туфайли трансуран элементлари, деб аталган ва мавжудлигини Д. И. Менделеев олдиндан айтиб қўйган элементларни биринчи бўлиб кашф қилишга муваффақ бўлинди. Бу проблемани ишлаб чиқишга ажойиб назариячи ва тажрибакор, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Г. Н. Флеров раҳбарлик қилмоқда. Г. Н. Флеров, В. А. Друин, И. Звара, С. М. Полиқановлардан иборат коллектив траисуран элементлари ҳоссаларининг синтези ва тадқиқоти учун Ленин мукофоти билан тақдирланди.

Дубнода олимлари трансураи элементлари изомер ҳолатининг янги типини ва турли изотопларга мансуб бўлган изомерларнинг спонтан парчаланишининг янги процесини ҳам очдилар. Бу ишлар АҚШ, Дания, Руминия лабораторияларида тасдиқланди.

Жаҳонга зўр олимларнинг бутун бир туркумини етиштириб берган совет математикасига Ленин мукофотлари тўғрисидаги қарорда бу сафар ҳам катта ўрин берилди. Янги лауреат математиклар орасида алгебраик геометрия ва соналар назарияси соҳасида ғоят муҳим асарлар автори, физика-математика фанлари доктори ўттиз яшар Ю. И. Манин ҳамда дифференциация қилишувчи ҳилма-хилликлар соҳасида яратган асарида 60 йилдан ортиқ вақтдан бери математикада ҳал бўлмай келаётган проблемани ечиб берган СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси 29 яшар олим С. П. Новиковлар бор.

Ўн беш томдан иборат «Палеонтология асослари» асари қалин замонларда ердаги органик дунё тўғрисида энциклопедик маълумотларни баён этган. Шуни айтиб ўтиш керакки, бу асар академик Ю. А. Орловнинг ҳаёт жасорати бўлган Ю. А. Орлов ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Б. С. Соколов, биология фанлари доктори В. Е. Руженцев, геология-минералогия фанлари кандидати Б. П. Марковскийлардан иборат олимлар коллективи қунт билан олиб борган чинакам қаҳрамонона ишнинг жон-дили бўлган, «Палеонтология асослари» ер ўтмишидаги органик дунё ҳамма группаларининг морфологияси, экологияси, систематикаси ва геологик жойланишига доир маълумотлар умумлаштирилган ва анча тўлдирилган жаҳондаги энг катта ва биринчи асардир. Шу нарса диққатга сазоворки, ана шу нодир нашрнинг томлари қазилма қолдиқларининг 700 та жадвали ва 10.000 сурат билан безатилган.

Қарорда инсон меҳнатини енгиллаштиришга, саноат ва қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлигини ҳар томонлама оширишга қуч-ғайрат сарфлаган мутахассислар ҳам муносиб ўрин олган.

«Пахта кони» Ўзбекистон нефтчилари ва новаторларидан бир группаси: П. Ф. Глазатов ва бошқалар вертикал шпинделли икки каторли пахта териш машинасини яратганликлари учун кишлоқ хўжалигига жорий қилганликлари учун Ленин мукофотига сазовор бўлдилар. Ўтган йил янги конструкцияли машиналарда мамлакатдаги пахта хосилининг 32 процентн терib олинди. Машинани ўзлаштиришда Ўрта Осиё машина синаш «Малик» станцияси тажриба хўжалиги трактор-комплекс бригадасининг бошлиғи Жавод Кўчиев билан Тошкент область Янгийўл районидаги Киров номли колхоз комплекс-механизация бригадасининг бошлиғи Турсуной Охуноваларнинг хизмати катта. Уларнинг иккови ҳам энди ликда Ленин мукофотининг лауреати бўлишди.

Техника фанлари доктори Ш. Я. Кереселидзе бошчилигидаги Грузия қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий тадқиқот институтининг ходимлари чой баргини сараlаб териш процессини механизациялаш учун чой баргини йиғиштириб оладиган «Сакартвело» машинасини вужудга келтиришганликлари ва ишлаб чиқаришга жорий қилганликлари учун юксак мукофотга сазовор бўлишди.

Техника фанлари доктори А. М. Лясс, техника фанлари кандидати П. А. Борсук ва бошқа ходимлардан иборат составда олим ва инженерлар бир группасининг ишн ҳозирги замон металлургиясига қўшилган катта ҳисса бўлди. Бу истеъдодли коллектив қуйиш ишлаб чиқаришнинг принцип жиҳатдан янги технологиясини — ўз-ўзидан қотиб қоладиган суюқ қоришмадан стерженлар ва қолиплар тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқанлик ва ишлаб чиқаришга жорий қилганлик учун Ленин мукофотини олди.

Регуляр каучуклар яратиш ва бундай каучукларни саноатда ҳосил қилиш технологиясини ишлаб чиқиш юзасидан олиб борилган комплекс ишлар катта илмий техника ютуғи бўлди. Бу ишларнинг авторлари — СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси А. А. Коротков ва тадқиқотларнинг бошқа раҳбарлари Ленин мукофоти билан тақдирландилар.

Шина саноати илмий тадқиқот институтининг ва Киров шина заводининг мутахассисларини ҳам катта муваффақият билан қутлаш мумкин. В. Ф. Евстратов, В. А. Пинегин, И. И. Селезнев, Г. П. Голоулина, Н. С. Голошумов каркасдаги корд иплари меридионал тортилган юк автомобиллари шиналарининг (Р типида) конструкциясини ва ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиққанлик ҳамда буларни халқ хўжалигига жорий қилганлик учун Ленин мукофотига сазовор бўлдилар.

...Элементлар заррачаларини штурм қиладиган установка, пахта терадиган машина, Менделеев жадвалининг 104-элементини кашф этиш ва қуйиш ишида революция ясалганлиги — буларнинг ҳаммаси коммунизмнинг моддий техника базасини яратишда муҳим бўғинлардир. (ТАСС).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ИБРАТЛИ ТАЖРИБА

Минск шаҳридаги Совет райони партия комитетининг корхоналарда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш соҳасидаги иш тажрибаларидан

Совет райони Белоруссия пойтахтидаги энг йирик районлардан бири. Унинг территориясида ўнлаб йирик саноат корхоналари бор. Бу корхоналарда 55 мингдан ортиқ киши меҳнат қилади. Шунинг учун ҳам бу район ишчи ва мутахассислари бошланғич партия ташкилотларининг раҳбарлигида ўтган йил бошида қимматли ташаббус билан чиқдилар. Улар корхоналарда меҳнатни илмий асосда ташкил этишга ўтиш, ишлаб чиқариш маданиятини юқори погонага кўтариш учун изчиллик билан кураш бошладилар.

Район партия комитети бу ташаббусни маъқуллади ва корхоналарнинг бошланғич партия ташкилотларига маъмурият билан келишиб, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш группалари ва бюроларини тузишни тавсия этди. Орадан кўп ўтмай район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди, унда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш билан боғлиқ бўлган масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Бу ҳақда райком ҳузуридаги илмий-техника кенгашининг раиси, Белоруссия ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси ўртоқ Северденко доклад қилди.

Пленум иши ҳақида батафсил тўхталиб ўтишга ҳожат бўлмаса керак. Биз фақат унинг ниҳоятда жонли ва ишчанлик руҳида ўтганлигини таъкидламоқчимиз. Райондаги илғор корхоналарнинг коллективлари тўплаган дастлабки тажрибалар пленумда ҳаммакинг диққат-эътиборида турди.

Бу соҳада Минск радио заводи коллективи ибратли тажриба тўплади. Корхонада меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш юзасидан махсус бюро иш олиб бормоқда. Бундан ташқари 40 та ижодий бригада тузилган бўлиб, уларга мастерлар, технологлар, иқтисодчилар, нормаловчилар, ишлаб чиқариш илғорлари — жами 400 киши аъзо бўлиб кирган. Ходимларнинг меҳнатни илмий асосда ташкил этишга доир барча таклиф ва мулоҳазалари ижодий бригадаларда ўрганиб чиқилади. Муҳим ва қимматли таклифлар планга киритилади.

Минск соатсозлик заводи партия ташкилоти ва раҳбарлигининг йиғувчилар меҳнати унумдорлигини ошириш соҳасидаги ташаббуси диққатга сазовордир. 1965 йилдаёқ ана шу йирик корхонанинг тўрт цехидаги ҳар бир участкага комплектаторлар бириктириб қўйилган эди. Уларнинг иш жойи ҳам бевосита участканинг ўзида. Комплектаторлар ишга омборчиларникидан фарқ қилиб, улар деталлар тарқатиш ва қабул қилиб олишдан ташқари мастер ёрдамчиси вазифасини ҳам бажарадилар. Яъни ишчиларга зарур деталь ва узелларни вақтида етказиб беришга жавобгар кишилардир. Бу янгиликнинг катта фазилатлари бор. Агар илгари ишчилар деталь олиш учун омборга бориб-келишга беш минут вақт сарфлаган бўлсалар, комплектаторлар тайинланганидан кейин ана шу вақт тежаладиган бўлди. Заводда шу йўл билан йилига 25 минг киши-соат тежаб қолинмоқда.

Ана шу ишларни ташкил этишда район партия комитетининг роли катта. Райком ҳузурида бир йилдан буён илмий-техника кенгаши ишлаб турибди. Кенгаш составида 145 мутахассис бор. Улар 9 секцияга — меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, иқтисодий анализ, маҳсулот сифати, қурилиш, техника эстетикаси ва бошқа секцияларга бўлинишган. Ҳар бир секцияда иқтисодчилар, планлаштирувчилар, технологлар, конструкторлар, олимлар бор.

Ҳар бир секция квартал планя асосида иш олиб боради. Планлар корхоналардан тушган таклифлар асосида тузилади. Илмий-техника кенгашининг ташаббуси билан ишчилар учун махсус анкеталар тайёрланиб, ишлаб чиқариш коллективларига тарқатилди. Эътиборга сазовор томони шундаки, кўпгина корхоналардаги ишчилар неча ўнлаб қимматли таклифларини киритдилар. Бу таклифлар ишлаб чиқаришни яхшилашга хизмат қилмоқда.

Кенгашнинг иш формалари ва усуллари қандай? Биз бу масала билан ҳам қизиқиб кўрдик. Аввало айтиб ўтиш керакки, кўпроқ тажриба алмашиш юзасидан семинар ва йиғилишлар ўтказилиб турилар экан. Бундай йиғилишлар бўлар-бўлмасга, ҳадеб чиқаравермайди, албатта. Лекин ҳар бир семинар жуда жонли, мақсадга мувофиқ ва фойдали ўтаркан. Масалан, корхоналарнинг конструкторлик бюроларида меҳнатни ташкил этишга бағишланган семинар катта қизиқиш уйғотди. Ҳозир кенгаш секцияларидан бири йирик қурилиш ташкилотида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш масаласини ўрганмоқда. Кейинчалик бу тажриба умумлаштириб, бошқа қурилишларда ҳам оммалаштирилади.

Илмий-техника кенгаши аъзолари райком инструкторлари билан бирга тез-тез корхоналарга бориб турадилар. Жамоатчилар билан жойларнинг ўзида инструктив машғулотлар ўтказадилар, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш ҳақида йўл-йўриқлар кўрсатадилар.

Бундан икки йил бурун район партия комитети техника тараққиёти пропагандаси кабинети ташкил этган эди. Кабинет жуда яхши ишламоқда. Бирғина мудири штатдаги ходим, қолганлари жамоатчилик асосида ишлашади. Кабинетда меҳнатни илмий асосда ташкил қилишга доир бой кўргазмали агитация, илғор корхоналар иш тажрибасини яққол кўрсатиб берувчи кўпгина плакатлар ва брошюралар бор. Шунингдек рационализатор ва ихтирочилар томонидан ишлаб чиқаришга жорий қилинган деталлар ва маҳсулотлардан намуналар қўйилган.

Район партия комитети кабинет иши билан мунтазам қизиқиб боради. Тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиб туради, жамоатчиларга амалий ёрдам кўрсатади. Шунинг учун ҳам семинар ва секцияларнинг кенгантирилган мажлислари уюшқоқлик билан ўтмоқда.

Кабинетнинг ойлик иш планида муҳим тадбирлар, жумладан «Корхоналардаги ишлаб чиқариш маданияти ва техника эстетикаси бюроси фаолиятини анализ қилиш», «Машина ва асбобларнинг сифати ва пишиқлиги масалалари бўйича консультациялар куни», «Район корхоналарида норматив ҳисоб-китобини механизациялаш юзасидан тажрибалар алмашиш» сингари тадбирлар белгиланган ва секциялар томонидан муваффақиятли ўтказилган.

Меҳнатни илмий асосда ташкил этишда техника информациясини яхши йўлга қўйиш катта роль ўйнайди. Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари буни ҳисобга олиб, жуда қисқа вақтларда барча корхоналарда техника информацияси кабинетлари ташкил этишга муваффақ бўлганлар.

Биз район партия комитети ходимлари меҳнатни илмий асосда ташкил этиш масаласи билан ниҳоятда жиддий ва амалий шуғулланаётганликларига тўла ишонч ҳосил қилдик. Саноат ва транспорт бўлими илмий-техника совети билан ҳамкорликда ана шу масалага бағишланган район конференциясини ўтказди. Пропаганда ва агитация бўлими агитколлективларининг раҳбарлари учун «Меҳнатни илмий асосда ташкил этишни пропаганда қилиш воситалари тўғрисида» деган темада семинар уюштирди. Район партия комитети спецсий маориф кабинетида пропагандистлар учун меҳнатни илмий асосда ташкил этишга доир бурчак жиҳозланди. Бундай бурчаклар ва стендларни кўпчилик корхоналар ва қурилишларда кўриб, қойил қолдик.

Ўрганишга арзийдиган яна бир муҳим тажриба тўпланган. Корхоналарда соцналистик мусобақа натижалари якунланаётган вақтда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш юзасидан белгиланган тадбирларнинг қандай бажарилаётганлиги ва бу соҳада нималарга эришилганлиги муҳим кўрсаткич қилиб қўйилган.

Меҳнатни илмий асосда ташкил этишнинг муваффақиятли амалга оширилишида район партия комитетининг корхоналарни беш кунлик иш ҳафтасига ўтказишдаги ташкилотчилик ишлари ҳам катта ёрдам бермоқда. Тўғри, бундай корхоналар ҳозирча районда кўп эмас. Лекин ҳамма жойда пухта режа асосида зўр тайёргарлик олиб борилмоқда. Савдо ва маиший хизмат, маданий-оқартув муассасалари янгича ишламоқдалар. Беш кунлик иш ҳафтасига ўтишни ҳисобга олган ҳолда шаҳар транспорти ҳаракатининг янги графиги жорий қилинган.

Биз Минск шаҳри Совет район партия комитетининг меҳнатни илмий асосда ташкил этиш соҳасидаги қимматли тажрибаларидан айримларинигина айтиб ўтдик. Хулоса қилиш мумкинки, мусобақадош дўстларимиз бу соҳада кўзга кўринарли муваффақиятларни қўлга киритганлар. Ўтган йили райондаги барча корхоналар ишлаб чиқариш топшириқларини тўла бажаришди. Ҳамма корхоналарда маҳсулот биринчи кўрсатишдаёқ топширилмоқда.

Белоруссия пойтахти Совет районининг меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун пухта тараддуд кўриб, ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳасида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш учун изчиллик билан кураш олиб бормоқдалар. Бу, барча корхоналарни хўжаликни бошқаришнинг янги системасига муваффақиятли ўтказишнинг зарур шартларидан биридир.

У. АБДУРАЗЗОҚОВ,
Тошкент область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири.
П. БОРЩЧОВ,
«Ташкентская правда»нинг мухбири.

МАМЛАКАТЛАР ВА КИТЪАЛАРДА

МАЪЛУМОТЛАР МАҚОЛАЛАР ВОҚЕАЛАР



КАНАДА. 28 апрелда Монреалда «Экспо—67» жаҳон виставкаси очилади. Суратда: СССР павильони. У яқинда қуриб битказилди. Нотр-Дам оролида жойлашган Совет павильонида кўргазмалар ўрнатилмоқда. ЮПИ—ТАСС фотоси.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ОКТЯБРНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК

ХАНОЙ. Бу ерда Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 50 йиллиги байрамига тайёргарлик кўрувчи ташкилот комитетининг мажлиси бўлди.

Комитет байрамга конкрет ва самарали тайёргарлик кўриш тўғрисидаги асосий директиваларни ишлаб чиқди. Доимий группа тайинланди.

СОВЕТ АДАБИЁТИ ЧЕХ ТИЛИДА

ПРАГА. Чехословакиянинг «Свет Совету» нашриёти бу йил 73 номдаги китобларини чех тилида жами 1,5 миллион нусха босиб чиқаради. Бу рақам 1963 йилдаги тираждан икки баравар кўп.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ҚАЙ ТАРИҚА ЯХШИ УЮШТИРИШ КЕРАК

СОФИЯ. Болгариянинг пойтахтида меҳнатни илмий асосда уюштиришга бағишланган миллий конференция тамом бўлди. Ишлаб чиқариш процессларини тартибга солиш, ҳисоблаш техникаси ва кибернетиканы ишлаб чиқаришга жорий қилиш масалалари муҳокама қилинди. Меҳнатнинг психологик ва социал томонлари, ёш авлодга касб танлаб олишни ўргатиш, раҳбарнинг ишчанлиги ва унинг ишлаб чиқариш коллективи билан ўзаро муносабатлари, меҳнат шароитини яхшилаш проблемалари кенг муҳокама қилинди.

ҚАРДОШЛАРЧА ҲАМКОРЛИК

ВАРШАВА. Плоцк нефть—химия ва нефть тозалаш комбинатида бир қанча энг муҳим саноат объектларини қуриш юзасидан берилган топшириқларни жуда яхши бажарганликлари ва бу объектларни ишга туширганликлари учун Польша Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг қарорига биноан совет мутахассисларининг бир группаси Польша орденлари билан мукофотланди.

Польшанинг химия саноати Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик асосида вужудга келтирилди. Совет лойиҳалари ва Совет Иттифоқидан етказиб берилган машина-ускуналар ёрдамида халқ Польшасининг турли районларида улкан химиянинг гигант заводлари қад кўтарди.

Польша мутахассислари орттирган тажриба ва совет лойиҳалари асосида қурилган ҳамда Совет мамлакатининг машина-ускуналари билан таъминланган комбинатлар республикада химия саноатини ривожлантириш ва конструкторлик тафаккурининг негизи бўлиб қолди. Польшанинг химия машина-ускуналари СССР га етказиб бериш тўғрисида тузилган савдо битимларининг умумий қиммати валюта ҳисобида 1 миллиард злотихдан ошиб кетади. Польша Халқ Республикаси 1970 йилга қадар Советлар мамлакатига 100 та химия объекти етказиб беради.

КҲДРДА ХАЛҚ МАОРИФИ

ПХЕНЬЯН. Мамлакатда тўққиз йиллик умумий мажбурий техника таълимининг жорий қилиниши Корея Халқ Демократик Республикасида халқ маорифи соҳасида эришилган жуда катта ғалабаларнинг биридир. Умумий таълим министри Юн Ги Бок ўқитувчиларнинг Пхеньянда очилган умумкорея кенгашида қилган докладида ана шу гапларни айтди.

Кейинги 10 йил ичида Корея Халқ Демократик Республикасида 31.600 дан ортиқ синф бўлган мактаб биноси қурилди. Ҳозирги вақтда 100 минг ўқитувчи халқ маорифи соҳасида иш олиб бормоқда. (ТАСС).

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИДА

ДЎСТЛИК РАМЗИ

ХОДАЙДА. Яман Араб Республикасининг президенти Абдалла Ассалюл ва унинг ҳамроҳлари Совет Иттифоқининг ёрдами билан Ходайдадан Ҳайса шаҳригача қурилаётган тош йўл участкасини бориб кўрдилар. Қурувчилар бир йил ичида ярим* даштликларнинг жуда ноқулай шароитларида 120 километр узунликдаги йўлни қўлгина қўприкларни қурдилар. Яман раҳбарлари совет биноқорларининг иши сифатига юксак баҳо бердилар.

Қурилиш объектлари кўздан кечирилгандан кейин митинг бўлди. Бу митинг Совет—Яман дўстлиги намойишига айланди. Митингда сўзга чиққан президент Абдалла Ассалол ёш республиканы мустаҳкамлашга жуда катта ҳисса қўшганликлари учун Совет ва Яман биноқорларига ташаккур изҳор қилди.

Митингнинг охирида Совет—Яман дўстлиги шарафига намойиш ўтказилди. (ТАСС).

СУДАН КОММУНИСТЛАРИ КУРАШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДАЛАР

ХАРТУМ. Судан Коммунистик партияси яшайверади ва унинг сиёсий фаолиятини давом эттиравради. Судан Коммунистик партиясининг бош секретари Абдил Ҳолиқ Маҳжуб Судан Ньюс-Эйженси агентлигининг мухбирига шу гапларни айтди. У Судандаги ҳукумат ва давлат органларининг қарорларини шарҳлаб берди. Бу қарорлардан кузатилган мақсад — компартиянинг ошкора шароитда ишлашига йўл қўймасликдан иборат. (ТАСС).

ИРҚЧИЛАР МИЛИТАРИСТЛАР БИЛАН БИТИШДИЛАР

ДОРУССАЛОМ. Жанубий Африка ҳукумати Ғарбий Германия билан махфий битим тузди. Бу битимга мувофиқ, Жанубий Африка ҳукумати Ғарбий Германиядан олинадиган машина-ускуналар ва ядро ахборотлари эвазига Германия Федератив Республикасига уран етказиб беради.

Жанубий Африка Республикасида тақиқланган Африка Миллий конгресси партия ваколатхонаси томонидан бу ерда эълон қилинган баёнотда бундай дейилади: Жанубий Африка Республикаси мудофаа министри Питер Бот яқинда визит билан Боннга борган вақтда ана шу битим тузилди.

ЛАГОСДА КЕНГАШ

ЛАГОС. Нигерия ҳарбий Федерал ҳукуматининг бошлиги подполковник Якубу Говон барча федерал министрликларнинг раҳбарлари билан кенгаш ўтказди.

Ҳабардор доираларнинг фикрича, кенгашда шарқий областдаги ҳарбий маъмурларнинг кейинги ҳужумларига кўпроқ эътибор берилган.

Шарқий Нигерия ҳарбий губернаторининг Энугуда эълон қилинган фармойишида айтилишича, шарқий областнинг маъмурлари ўз территориясида иш кўраётган барча асосий федерал муассасалар ва корпорацияларини ўз назортига оладилар.

(ТАСС).

ТАНЗАНИЯ ЭКОНОМИКАСИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

ДОРУССАЛОМ. Танзаниянинг китъадаги қисми 1966 йилда ташқи савдо оборотида 8,5 миллион фунт стерлинг актив сальдога эга бўлди. Бу — 1965 йилдаги савдо оборотн актив сальдосидан 5,2 миллион фунт стерлинг ортиқдир. Танзания банкининг иқтисодий ҳисоботида шу тўғрида хабар берилади. Ҳисоботда 1966 йилда экспорт 1965 йилдагига нисбатан тахминан 30 процент ошганлиги тўғрисида ҳам гапирилади. Жумладан, кофе, пахта, кэшью ёнғоғи, чой ва тамаки экспорт қилиш анча ортди.

„ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШ НАМУНАСИ"

ҚОҲИРА, 21 апрель (ТАСС). Миср ёзувчиси Абдил Раҳмон Ал-Ҳамисий В. И. Ленин туғилган кунинг 97 йиллигига бағишланган кечада бундай деди: «Ленининг ҳаёти ва фаолияти биз учун халққа хизмат қилиш ва халқ бахт-саодати йўлида кураш олиб бориш намунасидир».

Бирлашган Араб Республикаси тинчлик тарафдорлари миллий комитетининг вакили Саид Ҳаёлий, Мисрнинг таниқли журналисти Муҳаммад Ода ўз нутқларида Ленининг инсонпарварлиги тўғрисида, жаҳонда биринчи социалистик давлатни вужудга келтириш ва тинчлик учун курашдаги роли ҳақида, маданият масалаларига ва, жумладан, адабиёт масалаларига доим эътибор бериб келганлиги ҳақида, халқларнинг мустамлакачиликка ва чет эллик қарамликка қарши олиб бораётган курашида ўлмас Ленин идеяларининг аҳамияти тўғрисида гапирдилар.

Қоҳирадаги Совет маданияти маркази биносида ўтказилган тантаналарда Бирлашган Араб Республикаси—СССР дўстлиги жамияти раисининг ўринбосари Абдил Азим Турки, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг аъзоси Сезо Набрави, Африка Миллий озодлик ҳаракатларининг Қоҳирадаги вакиллари, касаба союз арбоблари, ёзувчилар, студент ёшлар ҳозир бўлдилар.

Кеча қатнашчилари В. И. Ленининг ҳаёти тўғрисидаги лекцияни зўр эътибор билан тингладилар, Ленин асарлари ва Ленин тўғрисида ёзилган китоблар виставкаси билан танишдилар. «Ленининг уч баҳори» фильмини томоша қилдилар.

ТАБИИЙ ОФАТЛАР

СУВ ТОШҚИНИ

ТЕҲРОН. Эроннинг шарқий вилояти Хуросонда инни нечаюкундуз тинимсиз жала қуйиши натижасида сув тошқини рўй берди. Тошқин сувлар кўпгина уйларни емириб, йўлларни бузиб кетди, аҳоли орасида қурбон бўлганлар бор.

ДОВУЛ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг ғарбий Бенгалия штати устига кучли довул ёпирилди. Штат пойтахти—Калькуттада ва унинг теварак атрофларида қаттиқ бўрон туриб, баъзи уйларнинг томларини учириб кетди, баъзи дарахтлар илдизи билан қупорилиб тушди. Довул вақтида мактабнинг томи бузилган вақтда мактаб ўқувчиларидан 22 бола яраланди.

ЕНҒИНЛАР

РАНГУН. Марказий Вирмадаги Салин деган шаҳарчада тунда ёнғин бошланиб, 500 уй ёниб кетди, 6 киши ҳалок бўлди. Шунингдек Бирманинг Мьингьян шаҳрида ҳам ёнғин чиқди. 200 уй ёниб кул бўлди. Аҳолидан 650 киши бош панасиз қолди.

(ТАСС).



◆ Американинг «Торрининьон» танкерининг Англия яқинида ҳалокатга учраганлиги ҳақидаги турли хил хабарлар жаҳон матбуоти саҳифаларидан тушмаётир. Танкер ҳалокати натижасида океанга ёйилган нефть Англиянинг жануби-ғарбий соҳилларигача етиб келди. Минглаб солдатлар, ўт ўчирувчилар ва нўнгиллилар соҳилларни нефтдан тозалаш билан шуғулланмоқдалар. Танкердан оқиб чиққан нефть балиқ ва қушларга катта хавф туғдиради. Минглаб денгиз қушлари ҳозирдаёқ ҳалок бўлдилар. Суратда: тирик қолган қушларни нефтдан тозалаш пайти.

ПА—ТАСС фотоси.

ЧАРМ ТЎП ҲАЯҲОМАЛАРИ

СТАДИОН ҚАМАЛДА

Неаполдаги «Подигоротта» стадионига 70 минг томошабин тўпланганда, қўлларига милтиқ ушлаб олган полициячилар ҳушёрликни оширишади. Футбол майдони сим девор билан баланд қилиб тўсилган бўлса ҳам, ўйинчилар ва судьяларнинг хавфсизлигини таъминлай олмайди.

Яқинда маҳаллий «ФС Неаполь» футбол клуби командаси «АС Милан» марказий ҳужумчиси Альтариниин ва Турининг «Ювентус» ўнг қанот ярим ҳимоячиси Сиверини сотиб олди. Янги футболчилар иштироки билан бўладиган биринчи ўйинда маҳаллий ишқибозлар стадионни чинакам қамалга олдилар. Минглаб билетсиз ўта ишқибозлар стадионга ер остидан йўл топиб кирдилар.

ИККИ КИШИГА БИР БИЛЕТ

Швециялик икки ўта ишқибоз узоқ вақтгача стадионга битта билет билан киришарди. Уларнинг бири стадионга ўрнашиб олгандан кейин, ўзи билан бирга эргашиб кирган лайча итнинг бўйнига билетни яшириб қўйиб чиқариб юборар эди. Ташқарида уни дўсти кутиб оларди ва ўша билет билан стадионга кирарди. Кунлардан бир кун тўрт оёқли ёрдамчи қўлга тушиб қолди ва сир ошкор бўлди. Ўшандан бери Абердсен шаҳридаги стадион эшиги олдида махсус контролёр турибди. У итларни стадионга йўлатмайди.

ЗИЁФАТДАН КЕЙИН...

Англия футбол биринчилигининг иккинчи лигасида қатнашадиган «ФС Милволь» командаси ўзига хос рекорд қўйди. Бу клуб футболчилари 1964 йил апрель ойидан бери ўз майдонида 255 та ўйин ўтказиб бирон марта ҳам мағлубиятга учрамади.

Клуб раҳбарлари шу муносабатга бағишлаб жуда катта зиёфат уюштирдилар. Бу зиёфатдан кейин «Милволь» командаси олти марта мағлубиятга учради.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Ғалонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

23 АПРЕЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 10.55—**Эшиттиришлар программаси**, 11.00—**Болалар учун мультфильмлар**, 11.20—**Октябрятлар—қуёноқ болалар**, 11.45—**Девор** (телефильм), 12.00—**Ёшлик** (Душанба ансамблининг концерти), 12.30—**Салом, гўзал дунё** (ҳужжатли фильм), 12.40—**Совет эстампи** (виставкадан репортаж).

Ўзбек тилида: 13.00—**Талант** (болалар учун кўгирчоқ фильм), 13.20—**Ака-укалар**, (болалар учун телепостановка), 14.10—**Киносаёҳатлар альманахи**, 14.30—**Соғлом танда-соғ ақл** («Ёшлик» студияси).

15.20—**Экиш қизғин бораётир** (қозоқ тилида).

16.55—**Эшиттиришлар программаси.**

17.00—**«Пахтакор»** (Тошкент)—**«Қайрат»** (Олмаота) **командалари ўртасида футбол** («Пахтакор» стадионидан), **танаффус вақтида телеянгиликлар.**

Рус тилида: 18.45—**Санъат усталари—А. Д. Папанов.**

Ўзбек тилида: 20.25—**Телеминиатюралар** («Ёшлик» студияси), 21.05—**Телевизион янгиликлар**, 21.20—**Олтин водий** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун).

22.30 дан—**Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Тошкент кўрсатади

10.55—**Эшиттиришлар программаси**, 11.00—**Физика** (ўрта мактабларни битирувчилар учун ўқув эшиттиришлари программаси, рус тилида), **Жамиятшунослик** (Ўзбек тилида).

13.00 дан—**Москва кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА—23/IV да **Оққуш кўли.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—23/IV да **Ўлимдан кучли.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—23/IV да **Қалам қошлигим**, 24/IV да **Жон қизлар.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА—**Янги программа: Москва цирки артистлари гастроли ва Ҳиндистон филлари аттракционининг давоми.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА—**Хоразм ансамблининг концерти.**

КИНО

Йўлбарс кўрфази—САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5 ярим, кеч 7 ярим ва 9-15 минутда), «СПУТНИК», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (2-залда жуфт соатларда).

«Аврора» залли—«САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 1 ва 3 да).

Ғазаб—«ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Севги байрами—«ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Константин Заслонов—«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ғилдирагини ким ўйлаб топган? «МИР» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 7 яримда).

Кавказ асираси—НАВОИЙ номли (кундуз соат 3-20, кеч 6-50 минутда) «ФЕСТИВАЛЬ» (кундуз ва кечқурун).

Кеча, бугун, эртага—«МОСКВА» (кундуз соат 2 ва кеч 8 да).

Кузғолон—СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Уч баналон—«ЧАЙКА» (эрталаб соат 10 да).

Солдат отаси—«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11 да).

Қуролли ниши—НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 да).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 01752.
Индекс 64970
А—1844.